

Ф. Н. Санаев

Фермер хўжаликларида сут-гўшт
маҳсулотлари харажатларини
ҳисобга олиш, уларнинг таннаرخини
ҳисоблашни такомиллаштириш



20. 11. 12. ден. шэр.

333(06) / 343672.

C-30 / Санаев Ф.Н.

Фермер хирсаалалк-
сарса сэт-үлээт
сахауовоор...
2007. 4000.

сүрдүн

ра!

тиаб

дэд

20. 11. 12. ден. шэр.

Санаев
Ф.Н.
2007

Handwritten notes on a separate sheet, including mathematical calculations and text, which are mirrored from the reverse side of the page.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Тошкент молния институти

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ғолиб Нуруллаевич Санаев

Фермер хўжаликларида сўт-гўшт

маҳсулотлари харажатларини

ҳисобга олиш, уларнинг таннархини

ҳисоблашни такомиллаштириш

(монография)

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти

2007

.... 4

.... 6

... 6

... 12

.. 20

.. 25

. 26

45

83

91

93

95

99

04

08

16

333(06)
С-30.


Тақризчилар: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг доценти, и.ф.д. К.Б.Уразов
Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг
«Иқтисодиёт ва бошқарув»
факултетининг декани,
доцент, и.ф.н., А.И.Алиқулов

Ушбу монографияда қорамолчилик тармоғида сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва уларнинг таннархини аниқлашнинг методологик ва услубий жиҳатлари республикамызда истиқболли хўжаликлардан бўлган фермер хўжаликлари мисолида илк бор нашрдан амалий мисоллар асосида чиқарилмоқда. Танланган мавзунинг долзарблиги, Республикамызда мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга тўла асосланганлиги, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослаштириб, оддий тилда ёзилганлиги билан қимматлидир.

2007 йилда тақризчилар ва кўплаб китобхон мухлисларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олиб қайта ишланиб нашрдан чиқарилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш услубияти ва амалиётга жорий қилиш, счёт № 2010.; - «Асо-сий ишлаб чиқаришлар ҳисоби»га тавсифнома, ишлаб чиқариш жараё-нидаги хўжалик операциялари бўйича «1:С-бухгалтерия» шаклини жо-рий қилиш лойиҳаси ва уларни бажариш баён қилинди.

Мақсуд монография аввало фермер хўжаликлари раҳбарлари, бух-галтер-иқтисодчи ва мутахассислар, таҳсил олаётган талабалар ҳамда қизиқувчилар учун фойдали бўлади деб умид қиламыз.

ISBN 978-9943-09-164-1



© ЎЗР Фанлар академияси
«Фан» нашриёти, 2007 й.

М у н д а р и ж а

	Кириш.....	4
1 боб	Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида турли мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектлари вужудга келишининг назарий ва амалий асослари.....	6
1.1.	АСМ (агросаноат мажмуи)да турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келишининг назарий асослари, амалий аҳамияти.....	6
1.2.	Иктисодиётни эркинлаштириш ва халқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишининг зарурлиги.....	12
1.3.	Фермер хўжаликларида авансланган капиталнинг доиравий айланиши, даврий босқичлар ва фаолият ҳамда жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби жихатидан назарий асослари.....	20
2 боб	Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг иктисодий моҳияти ва туркумланиши ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.....	25
2.1.	Сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг иктисодий моҳияти ва туркумланиши.....	26
2.2.	Сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув ва молиявий ҳисобларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	45
2.3.	Сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	83
3 боб	Сут-гўшт маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг ҳозирги аҳоли ва уларни такомиллаштириш йуллари.....	91
3.1.	Сут-гўшт маҳсулотларининг таннархини – иктисодий категория сифатидаги иктисодий моҳияти ва уни ҳисоблашнинг назарий асослари.....	93
3.2.	Бозор муносабатлари шароитида сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг ҳозирги аҳоли.....	95
3.3.	Сут-гўшт маҳсулотлари таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш йуллари.....	99
4.	Хулоса ва таклифлар.....	104
5.	Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	108
6.	Иловалар.....	116

Кириш

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ бешта тамойилларини белгилаб олиб, шулар асосида иқтисодий ривожланиш баробарида, дунё иқтисодиётига интеграциялашувини амалга ошириб, мустақкам тараққиётга, иқтисодий барқарорликка эришди ва эришмоқда. Жумладан, сиёсий, (давлатчилик, демократик, инсон ҳуқуқлари) иқтисодий, (мулкчилик шаклларини такомиллаштириш, тадбиркорлик асосида, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ хўжалигини, унинг таркибий қисми бўлган корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш жараёнида истиқболли илғор технологияларни, республика шарт-шароитлари, тажрибаларини қўшган ҳолда жорий қилиш кабилар) ҳамда маънавий (миллий ғояга, миллий урф-одатларга содиқ ҳолда) ислохотларни амалга систематик, кетма-кетлик асосида ҳаётга (бошқарув, мос қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар базасини яратиш билан) амалга оширилмоқда.

Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларининг ҳаётга тадбиқ қилиниши, барча мулклар, фаолият юритувчи хўжалик субъектлари фаолият турларининг инъикоси сифатида намоён бўладиган бухгалтерия ҳисобини барча ислохотларнинг таркибий қисми сифатида, бу соҳада ҳам туб ислохотлар бўлишини зарурият қилиб қўйди. Бундай ислохотлар амал қилаётган турлича мулк шаклларига асосланганлиги, жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда, фанда: бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган: бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб, солиқ ҳисоби тушунчалари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий дастурига асосан алоҳида ўқув фанлари сифатида таркиб топишига назарий ва амалий асос бўлиб қолди. Бунда бухгалтерия ҳисоб турлари амалга ошириш тадбиркорликни янада барқарор ривожланишига, фаолият юритувчи хўжалик шаклларидаги фаолиятига мос равишда бухгалтерия ҳисобининг кўрсатиб ўтилган турларида ва шакллари асосида акс эттиришни тақозо қилмоқда. Бундай шароитда хўжалик субъектлари мулк шаклларининг ихтисосланишини, технология ва молия режимини ҳисобга олишни ҳам зарурият эканлиги исботланмоқда. Албатта, бунда фаолият юритувчи субъектларнинг мақсадлари, мамлакатни-

миздаги барча мақсадларга муштараклиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, агросаноат мажмуида (АСМ) интеграцион жараён амалга оширилаётган кичик ва хусусий корхоналарда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда, бозор муносабатлари конъюнктураси (талаб, таклиф ва харидорларнинг тўлов қобилияти) кабиларга асосан республикамизда стратегик йўналиш – мулкдорлар синфини вужудга келтириш эканлигини ҳисобга олиб, ўзларининг фаолияти натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини юритиш, улар таннархини билишни мулкдорлар учун ҳаётий эҳтиёж қилиб қўймоқда. Чунки, умумий иқтисодий назарияга асосланиб қарайдиган бўлсак, у баҳонинг энг салмоқли қисмини ташкил қилиши ҳаммага аёндыр. Аммо бу соҳада АСМ да ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг илмий асосланган методологияси, методикаси ҳаётий зарурият бўлсада, республикамизда ҳаммасини тартибга келтирадиган АСМ да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш услубиёти ва услуби Республикамизда ишлаб чиқилмаган, ҳозирда собиқ иттифоқ давридаги режали-буйруқбозлик таксимотида қўлланилиб келинган методология ва методикадан фойдаланиб келинмоқда, улар эса бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мутлақо жавоб бермай қолди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи, баҳоси, фойда категориялари ўртасидаги ички зиддиятлар ривожланишининг ҳаракати сифатида қараладиган бўлса, уларнинг ечимини топиш конкрет масала сифатида иқтисодиёт фанида долзарб масала бўлиб қолмоқда. Албатта, танланган мавзунинг долзарблиги яна куйидаги масалаларда ҳам кўринади: жумладан хўжалик субъект турларидан бири бўлган сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш муаммолари ҳам ўз ечимини кутмоқда, шу каби бу соҳадаги ишлаб чиқилган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам такомиллаштирилишига муҳтожлик сезилмоқда. Бундай ихтисослашган фермер хўжаликлари ва бошқа кичик ва хусусий корхоналар ҳам тадбиркорликда самарали иқтисодий натижаларга эришиш учун маҳсулотлар таннархини билиш, амалиётда қўлланишни тақозо қилмоқда.

1 БОБ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турли мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектлари вужудга келишининг назарий ва амалий асослари

Жамият тараққиётининг ривожланишида бир системали тизимнинг бирдан иккинчисига ўтиш турли йўллар билан амалга оширилиши кўпгина давлатлар тарихидан маълум. Шу жиҳатдан олганда республикамизда собиқ буйруқбозлик-режали тақсимот тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш аниқ дастур асосида ўзига хос йўл билан амалга оширилди ва оширилмоқда. Албатта, бозор иқтисодиётида рақобатлар кураши бўлиши билан бирга, турлича мулк шаклларига эга бўлган ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги товар-пул муносабатлари мавжуд эканлиги муқаррардир. Мазкур масалани кўришда маълумки, ҳар қандай ижтимоий тизим диалектик ривожланиш ва иқтисодиётнинг объектив қонун талабларига мувофиқ амалга оширилишини эътиборга олсак, бунда «карама-қаршилиқлар кураши ва бирлиги» қонуни ёки иқтисодиётнинг «ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатларининг мутаносиблиги» қонуни кабилар кўз олдимизга келади. Бундай шароитда тадқиқот ишида ушбу ноантогонистик зиддиятларни аниқлаш ва мавзу бўйича улар ечимини топиш фикримизча маъқул иш ҳисобланади, бунда мавзу бўйича АСМ мулк муносабатларини амалий таҳлил қилиш айнан тўғри бўлади. Шу билан биргаликда турлича мулк шаклларига асосланган фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг иқтисодий самарадорлиги, молиявий барқарорликка эришиш асосий шарти бўлиб хизмат қилади.

1.1. АСМ (агросаноат мажмуи)да турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар вужудга келишининг назарий асослари, амалий аҳамияти

Режали буйруқбозликка асосланган тақсимот АСМ тизимида корхоналарнинг уч хил мулк шакли бўлиб, улардан давлат ва кооператив, хусусий мулк шакллариининг иқтисодий моҳияти жиҳатидан бир хил бўлмай, ишлаб чиқариш кучларининг таркибий актив омили меҳнаткаш учун барча қобилиятларни тўлиқ ишга солишга, кўп ҳолларда кафолатланган тақсимотда тенг ҳолатлар юз

берар эди. Давлат ва кооператив мулк ҳамманики бўлиб, амалий жиҳатдан олинса, шахсга тегишлилиги бўйича конкрет ҳеч кимга тегишли эмаслиги кўриниб қолди.

Республикамизда сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, иқтисодий мустақиллик сари қаратилган тадбирлар туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан бошланди. Бунда эса биринчи ўринда мулкий муносабатлар, барча ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда товар-пул муносабатларининг асосий негизи деб қаралди. Шу сабабли давлат ва кооператив мулк шакллари негизда хусусийлаштириш ҳамда бошқа шу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида республикамизда кўп укладли иқтисодиётга хос бўлган шарт-шароитлар вужудга келди, оқибатда мулкдорлар пайдо бўлди, шу аснода мулк шакллари асосланган хўжалик юритувчи субъектлар ташкил топди, бу эса турли мулкка асосланганликлари боис бозорда рақобатлар курашига асосланган олди-сотди муносабатларини вужудга келтирди. Албатта, бунинг учун зарур шарт-шароитлардан, жаҳон тажрибаси эътиборга олинди, мамлакатимиздаги тарихий шарт-шароитлар, миллий ақидаларни ҳисобга олган ҳолда қонуний база яратилди, қонуннинг устуворлиги таъминланди, барча мулк шакллари давлат томонидан бир хил ўринда ҳимояга олинди.

Республикамиздаги халқ хўжалигининг барча соҳа ва тармоқларидаги сингари мамлакат агросаноат мажмуида (АСМ) ҳам бир неча мулк шакллари ташкил топди, улар қуйидагилардир:

- 1) давлат мулки;
- 2) кооператив мулк;
- 3) аралаш мулк;
- 4) қўшма корхоналар мулки;
- 5) хусусий мулк;
- 6) шахсий мулклар ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларига назарий ва амалиёт нақтаи-назаридан олганда ташкилий, иқтисодий, молиявий, бошқарув, бухгалтерия ҳисобини юритиш каби муаммолар зикр қилинган мулк шакллари-нинг хусусиятларидан келиб чиқади ва ниҳоят уларга хос корхона турлари пайдо бўлади.

Бу соҳада тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, махсус адабиётларда олимлар, тадқиқотчилар бу масалада ягона фикрга эга

эмасликлари кўзга ташланди. Жумладан, классик иқтисодчилар «Мулк – бу кишиларнинг бир-бири билан бўладиган муносабати, уларнинг материалларга, курулларга ва меҳнат натижаларига бўлган муносабати» деб талқин қилинади. Профессор А.К.Исмоилов ва доцент О.Муртазаев: «Мулк – бу ишлаб чиқариш воситаларининг одамлар томонидан ўзлаштириб олинishiдир»¹. Ушбу мулкка таъриф берувчиларни маълум даражада инкор қилмаган ҳолда, фикримизча, «Мулк – бу жамият тараққиётида жамият аъзолари ўртасида мавжуд моддий бойликларга эгалик қилиш бўйича муносабатлардир», дейилса тўлиқ бўлиб қолади деб ўйлаймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк эгалари товар, моддий бойликлар ишлаб чиқарсалар, улар бир-бирларига эгалик нуқтаи назаридан айирбошлангандагина бозор муносабатлари вужудга келиши аниқ бўлиб қолди. Эндиликда мулкка эгалик қилиш хисси умумий ва хусусий белгиларни келтириб чиқаради. Демак, мулк шаклларига мос равишда АСМ да қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар вужудга келганини кўрамиз:

1) Давлат хўжаликлари, яъни булар асосан давлат мулкига асослангандир.

2) Кооператив мулкка асосланган кооператив ширкат хўжаликлари, жамоа хўжаликларидир, таъсисчилар мулкига асослангандир.

3) Хусусий мулк шаклига асосланган фермер хўжаликлари, бундай хўжаликлар (ўз мулки ва шерикликка асосланиб ташкил қилиниши мумкин, улар товар ишлаб чиқариб, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиши мумкин).

4) Аралаш мулкка асосланган қўшма корхоналарни мисол келтириш мумкин, қўшма корхоналар ёки чет эл компаниялари мулки, сармоясини киритилган бўлади.

5) Шахсий мулкка асосланган деҳқон хўжаликлари бўлиб, улар ўз онласи шахсий истеъмолни, ортиқча ишлаб чиқарганида бозорда сотишлари мумкин, аммо ёлланма ишчи кучидан фойдаланмайди.

Монография мавзуси фермер хўжаликлари мисолида бўлганлиги учун бу соҳага алоҳида, ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, бухгалтерия ҳисобини юритиш борасидаги масалаларга эътиборни

¹ Исмоилов А.К., Муртазаев О «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти». Тошкент, 2003 й. 55-56-бетлар.

қаратамиз. Фермер хўжалиklarининг устунлиги ҳақида куйидагиларни келтиради:

- «мулк эгаси, шу боис унда эгалик ҳисси ва масъулиятни сезиш ҳамда иш натижаси учун жавобгарлик ҳисси устун туриши лозим;

- мустақил ишлайди;

- доимо ўзига тегишли мулкдан самарали фойдаланиш имкониятларини қидиради;

- ўз хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига эга;

- мулк устидан ўзи доимий равишда назорат олиб боради;

- олинган даромадни ўзи тақсимлайди;

- хўжаликни кенгайтириш учун чегараланмаган ҳуқуққа эга»;

Шу каби «Дунё амалиётида фермер хўжалиklари куйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Оилавий мулк ёки пай улушини қўшиш натижасида;

- Хусусий мулк заминида;

- Давлат ва фуқаролар мулки йиғиндиси эвазига;

- Банкдан олинган қарзлар»¹

Албатта, бундай фикр махсус адабиётларда кўплаб турлича баён қилинган, биз ҳам ушбуларни таъкидлаган ҳолда республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида «Мулк масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимини тамал тоши бўлиб хизмат қилади»,² деб таъкидланади.

Мулкчилик масаласи кўпгина ҳаётий масалаларни ҳал қилишда асосий омил сифатида гавдаланади. Аввало бозор иқтисодиётида корхона ёки тадбиркорга зарур меҳнат воситаларини олиш, сўнгра меҳнат предметларини топиш, шундан сўнг ишлаб чиқаришнинг энг актив элементи(унсури) ишчи кучини ташкил қилиш каби комплекс ишларни талаб қилади. Мулк масаласининг ҳал қилиниши, таъминот, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмоллар, яъни ишлаб чиқариш истеъмоли ва шахсий истеъмол, улар юзасидан муносабатлар, бойликлар ҳисоби, мулкдан самарали фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш каби тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

¹ Ризоқулов А. Фермер хўжалиklarида бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, Камолот, 1998 й. 3-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 43 бет.

Мулк муносабатлари тадбиркорлик нуқтаи-назаридан қаралса, хусусий мулкка асосланган корхоналар иқтисодий самарадор бўлиши исботланган. Чунки республикамиз қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатлар бўйича биринчи навбатда қонуний, меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ҳам туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо қилади.

Республикамизда ташкил топаётган турли хил хўжалик юри-тувчи субъектларга бир хил тартибда қонуний база ва шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Айниқса, кейинги йиллардаги кичик ва тадбиркорликка асосланган хусусий корхоналарга катта имкониятлар яратилмоқда. Хуш, шу муносабат уларнинг бухгалтерия ҳисобида бугунги талаб даражасида акс эттирилмаслиги оқибатида бугунги кунда олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар қутилган юқори самарани бермаётганлиги ҳам фикрлашни талаб қилади¹.

Бундай бўлишининг сабаблари бизнинг фикримизча, мулкдан фойдаланишда тадбиркорлар ва раҳбарлар малакасининг турли даражада бўлишидир. Бунда асосий ички зиддият эски тизим билан янги тизим ўртасидаги маълум вақтни талаб қиладиган ечими топиладиган муаммолар, жумладан боқимандалик, юқоридан буйруққа ўрганиб қолиш, маънавий савиянинг (яъни тизим талаб-ларига мослиги жиҳатидан) пастлиги, ишончсизлик кабиларни келтириш мумкин.

Булардан ташқари, бозор конъюнктураси талабларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тез суръатларда мослашмаётганлигимиз, илғор технологияларни жорий қилиш кабилар. Булардан энг муҳими янгидан вужудга келган корхоналарда (эскиларида ҳам) бошланғич капитал, яъни бошланғич сармоя етарли эмаслигидадир. Бунда бошқарувчи, мутасадди мутахассислар малака даражаси ҳам бугунги бозор шароитига тезда мослаша олмаётганлиги, айниқса, фан-техника ютуқларини тез суръатлар билан ҳаётга жорий қилинмаётганлиги кабиларни мисол қилиш мумкин.

Албатта, бу корхоналар фаолиятларини юритиш учун қонуний база вужудга келтирилган бўлсада, уларнинг ижро даражаси етарли эмас, юқоридаги мутасадди инсонлар зарур кўникмалар ҳосил қилган эмаслар, масалан, бозор муносабатларида таъминот, ишлаб

¹ Ризоқулов А. «Фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисоби» Т. Катортал. Қамолот 1998 й. 3 бет.

чиқариш, реализация шароитида авансланган капиталнинг доиравий айланиши босқичлари белгиланган, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган шартнома муносабатларига вақт, шартномалар предмети, томонлар мажбуриятларига риоя қилиш, вужудга келган низолар ҳал қилиниши кабилар бугунги кун талаби даражасида бажарилмай қолмоқда. Шунингдек, турли хўжаликларда давлат мулки — ер, сув ва бошқа ресурслардан унумсиз фойдаланиш ҳам мавжуд. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг рақобат кураши натижасида банкрот бўлади, тугатилади, улар ўрнига эса бошқаларининг вужудга келиши узлуксиз жараён эканлигини тан олишимиз лозим.

Республикамызда 2003 йилнинг охири ва 2004 йилнинг бошида кишлоқ хўжалигида паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган 326 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар натижасида 15161 та фермер хўжаликлари ташкил топганлиги яққол мисол бўла олади¹.

Шу ўринда 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қилган маърузасидан қуйидагиларни маълумотларни келтириб утамиз: «Шуни мамнуният билан қайд этиш жойизки, фермер хўжаликлари амалда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Ҳозирги пайтда республикамызда 190 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салкам 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда»².

Биз юкоридаги корхоналар ичидаги ноантагонистик ички зиддиятларни келтириб ўтдик, савол туғилади: бу муаммоларнинг ечимлари борми? Биз олиб борган илмий-тадқиқот натижаларига кўра бунда, ижтимоий ҳодисани билиш, улар негизида статистик ва бухгалтерия ҳисоби ва аниқ таҳлиллар асосида тадбиркорнинг аниқ, оптимал қарорларига келиши ҳамда ҳаётда амалга ошириш натижасидагина бартараф қилиш мумкинлиги шаклланмоқда.

¹ Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент: «Университет», 2005, 8-бет.

² Каримов И. А. Янгилаштириш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир. Зарафшон газетаси, 2007 йил 15-февраль №19-20 (21.235-21.236)

Хулоса сифатида рақамларга асосланган далилларга суяниш, уларнинг аҳамияти ҳақида республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» номи рисоласида «Ҳисоб рақамлари – қайсар нарса, уни алдаб бўлмайди», деб таъкидланади. Мазкур фикрдан шу хулоса ва изох келиб чиқадики, демак статистик ва бухгалтерия ҳисоб-китобларининг аниқ, ўз вақтида, тезкорлик асосида, бизнес-режани эътиборга олган ҳолда акс эттирилиши туб ислоҳотларнинг марказий нуқталаридан бири бўлган бошқарувнинг, қолаверса ислоҳотларнинг мақсади, халқ турмуш даражасини кўрсатиб берувчи кўзгуси эканлигидир.

Барча баён қилинганларни фикрлаб шундай хулосаларга келиш лозим, бозор муносабатларида турли мулк шакллари ва уларнинг негизига асосланган турли корхоналар вужудга келиши муқаррар, ўз навбатида рақобатлар курашида баъзилари синади, баъзилари ўртача ёки барқарор ривожланади ёки янгидан пайдо бўлади. Бундай шароитда эса корхона доирасида аниқ бухгалтерия ҳисобини юритиш қўл келади.

1.2. Иқтисодий эркинлаштириш ва халқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишининг зарурлиги

Қишлоқ хўжалигида яратилган қонуний ва меъёрнй ҳужжатлар вужудга келгандан сўнг, айниқса мулк масаласи қонуний ҳал қилинган ҳамда мавжуд ер, сув ресурслар ҳал қилингандан кейин, юқорида санаб ўтилган ширкат, жамоа, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари иқтисодий самарадорлик, давлат эҳтиёжининг пахта ва дон маҳсулотлари эҳтиёжларини етарли даражада ишлаб чиқариб реализация босқичларидан сўнг, энг самарали хўжалик юритиш субъекти сифатида фермер хўжаликлар ўз афзаллигини кўрсатдилар.

Бу соҳада илғор тажрибага эга давлатлар ҳамда мамлакатимизда тарихий қисқа давр ичида хусусий мулкка асосланган фермер хўжаликларини ташкил топиши ҳаётий зарурият эканлиги исботланди. Бу борада Швейцария иқтисодчиси ва тарихчиси Сисмонди томонидан эълон қилинган фикрини келтириш мақсадга мувофиқ

деб ҳисоблаймиз: «Қишлоқ хўжалигини унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётганлар юритишса улар кўп сонли аҳоли фаровонлигини таъминлашга қодир. Фақат мулкдор – деҳқон барча ер эгалари орасида келажак ҳақида кўпроқ қайгуради ва амалда ўз ишини бошқалардан кўра яхшироқ ўзлаштиради»¹. Бу сўзлар фермер хўжаликларини ташкил қилиш бугунги кун ва республикамиз қишлоқ хўжалигининг барқарор воситаси эканлигини исботлайди.

Республикамизда фермер хўжаликларининг ташкил топиши, бозор иқтисодиётига утиш тамойилларига асосан Президентимиз ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, иқтисодиётимиз талабларига мувофиқ босқичма-босқич амалга оширилмоқда, ўз натижаларини бермоқда. Бу борада Олий Мажлис ва ҳукуватимиз томонларидан фермер хўжаликларидаги ташкилий, молиявий ва бошқа вазиятлар доимий равишда таҳлил қилиниб, барча меъёрий ҳужжатларга ўз вақтида ўзгаришлар киритилиб ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Бу соҳада Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 29 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун ва Президентимизнинг кичик ва хусусий корхоналарнинг ҳисобот ва текширишларни қисқартириш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги қарорларини келтиришнинг ўзи кифоядир.

Қишлоқ хўжалик субъектларида барча ислохотларнинг тўла амалга оширишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида фермер хўжаликлар таянч хўжаликлар ролини ўтаётганлиги ҳаётда исботланмоқда.

Бу соҳада қишлоқда бошқарув тизимларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалик тармоғининг бошланғич бўғини қандай бўлиши кераклигини республикамиз Президенти И.А.Каримов аниқ кўрсатиб берганлар, жумладан: «Бу – фермер хўжаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган, йўл-йуриқ кўрсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларида берадиган кооператив бўлиши лозим»².

Бу гоёни яқинда, яъни 2006 йил сентябр ойида Фарғона вилоятида бўлганларида ҳам туман, вилоятларда ва республикамизда

¹ Фермерлик фаолиятининг ҳукукий ва молиявий асослари. Тошкент: «Университет», 2006, 14-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995, 63-64 бетлар.

фермер хўжаликлари (ассоциацияларини) бирлашмаларини ташкил қилишни тавсия қилдилар.

Чунки хусусий мулкка асосланган корхоналар тежамкор, самарали фаолият кўрсатаётганлиги ишлаб чиқаришда исботланиши билан бирга, республикамызда ўз-ўзини бошқарув институтларининг фаолиятлари билан уйғунлашиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу соҳада фермер хўжаликлари сони, уларнинг ютуқлари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар фикримизга аниқ далил бўла олади.

1-жадвал

2005-2006 йилларда республикамызда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони ва ихтисосланиш тўғрисида маълумот¹

№	Кўрсаткичларнинг номлари ва улчов бирликлари	Й и л л а р				2006 йил-да 2005 йилга нисбатан %
		I/I 2005 йил		I/I 2006 йил		
		Сони	Салмоғи %	Сони	Салмоғи %	
1	Фермер хўжаликлари сони	103921	100,0	125668	100	+21,0
2	Шу жумладан: Самарқанд вилояти	9997	9,6	10688	8,5	+6,7
3	Республикада чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари	7995	7,7	8948	7,1	-0,6
4	Самарқанд вилоятида	662	8,3	794	6,3	-6,0
5	Ўртача бир фермер хўжалигига беркитилган ер, (га)	28,2	X	39,1	X	+38,7
6	Самарқанд вилоятида	19,8	70,2	23,8	60,9	-9,3
7	Республикада уларга беркитилган ишчилар сони, (минг киши)	765,3	100,0	954,1	100,0	+24,7
8	Жумладан, Самарқанд вилоятида	98,8	12,9	118,3	12,4	+19,7
9	Республикада қорамоллар сони, (минг бош)	312	100,0	330,2	100,0	+5,8
10	Самарқанд вилоятида	33,9	10,9	32,9	10,0	-3,0

¹ Жадвал Республика дехқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан олинган ҳисобот маълумотлар асосида тузилди.

Жадвал маълумотлари Республика ва Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари, уларга беркитилган ер, ишчилар сони ва қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар ўсиш тенденциясига эга. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, фермер хўжаликларида қорамоллар сони узлуксиз ошиб бормоқда, пода таркибидаги сигирлар сони ҳам ошиб бормоқда, 2005 йил 1 январ ҳолатига сигирлар сони 97,6 минг бош бўлган бўлса, 2006 йил шу даврга 104,6 минг бошга етди, мутаносиб равишда Самарқанд вилоятида 8,9 ва 9,1 минг бошни ташкил қилди. Бундай ўсиш бир томондан фермер хўжалик аъзолари эҳтиёжларини қорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, энг муҳим, ижтимоий масала – қишлоқда ишсизликни камайтиришга хизмат қилмоқда. Шу ўринда 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қилган маърузасидан қуйидагиларни маълумотларни келтириб утамиз: «Қорвачилик соҳасида фермер хўжаликларини ташкил этиш, шунингдек қишлоқдаги муҳтож оилаларни қорамол билан бепул таъминлаш ҳисобига қорва сони бугунги кунда 2000 йилга нисбатан учдан бир қисмга кўпайди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий дастурига мувофиқ бу йил ҳам қишлоқ жойларда 60 мингга яқин кам таъминланган оилаларга қорва моллари, биринчи галда соғин сигирлар бепул берилиши кўзда тутилмоқда»¹.

Профессор А.М.Жўраев «Янги ташкил этилган фермер хўжаликларида биринчи йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлигининг 6,4 центнерга, доннинг ҳосилдорлиги 5,3 центнерга ошганлигини кўрсатади. Рентабеллик даражаси пахтада 18,9% ва дончиликда эса 19,8% га етганлигини таъкидлайди»².

Республикамиздаги фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан қорвачилик маҳсулотларининг салмоқли қисмини ишлаб чиқармоқдалар, энг муҳими эса бу

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Зарафшон газетаси, 2007 йил 15-февраль №19-20 (21.235-21.236)

² Жўраев А.М. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари Тошкент: Университет, 2006, 4-бет.

махсулотлар сифати яхши бўлиши билан бирга, чорва молларининг махсулдорлигининг ошишига эришмоқдалар.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида гўшт ва сут ишлаб чиқариш бўйича маълумот¹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
			2004	2005	2006
Гўшт ишлаб чиқариш					
1	Ишлаб чиқариш режаси	тонна	5775	6208	6826
2	Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган	тонна	6214	6111	6826
3	Бажарилиши	фоиз	108	98	100
4	Жами сарфланган харажат	млн.сўм	6796	8819	11522
5	Жами олинган даромад	млн.сўм	6073	8696	10580
6	Жами олинган фойда ёки зарар (+;-)	млн.сўм	-723	-123	-942
7	Рентабеллик даражаси	фоиз	-11	-1	-8
8	1 тонна махсулотга сарфланган харажат	минг сўм	1094	1443	1688
9	1 тонна махсулотдан олинган даромад	минг сўм	977	1423	1550
10	1 тонна махсулотдан олинган фойда ёки зарар (+;-)	минг сўм	-116	-20	-138
Сут ишлаб чиқариш					
1	Ишлаб чиқариш режаси	тонна	16139	18858	16813
2	Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган	тонна	13775	13384	16931
3	Бажарилиши	фоиз	85	71	101
4	Жами сарфланган харажат	млн.сўм	3034	3592	4622
5	Жами олинган даромад	млн.сўм	2885	2804	4233
6	Жами олинган фойда ёки зарар (+;-)	млн.сўм	-149	-788	-389
7	Рентабеллик даражаси	фоиз	-5	-22	-8
8	1 тонна махсулотга сарфланган харажат	минг сўм	22	268	273
9	1 тонна махсулотдан олинган даромад	минг сўм	21	210	250
10	1 тонна махсулотдан олинган фойда ёки зарар (+;-)	минг сўм	-1	-59	-23

Давлат томонидан фермер хўжалиklarининг бозор иқтисодиёти шароитида молиявий барқарор ривожланишига барча шароитлар.

¹ Самарқанд вилоят Кишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилди


имкониятлар яратилмоқда. Бундай маълумотлар Республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан олинган маълумотлар асосида таъминот соҳасида (1-2-илова) уларнинг асосий ва айланма маблағларини ташкил қилиш борасидаги тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари берилиши тўғрисида 3-иловада кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, уларга 2004 йилда 1122 та трактор, 23 та комбайн, 220 та тиркамалар (агрегатлар), 2005 йилда эса 1567 та трактор, 62 та комбайн ва 595 та тиркамалар етказиб берилган. Иккинчи иловада эса 2004 йилда 339402,7 тонна минерал уғит ва 391051,1 тонна дизел ёнилғиси етказиб берилган. Аммо ҳали ечилмаган муаммолар сифатида давлат назоратининг қаттиқ бўлишига қарамай, шартнома муносабатларида, уларнинг шартлари бажарилмай қолаётганлигини қайд қилиш лозим. Тижорат банклари томонидан 2004 йилда 29204 млн. сўм 2005 йилда эса 30391,6 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилганлиги фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таянч хўжаликларга айланганлиги ва шулар баробарида муттассил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлигини кўрамай.

Бу фикрларимизни Самарқанд вилоятида барча тоифадаги ва фермер хўжаликларидаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси ва салмоғи тўғрисидаги куйида келтирилган 3-жадвал маълумотларда кўришимиз мумкин.

Демак, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг абсолют ва нисбий миқдорлари ошиб бориш тенденциясига эга бўлишган.

Илмий-тадқиқот ишлари натижаларидаги янгиликлар фермер хўжаликлари ҳам фаолият кўрсатиш борасида анчагина қийинчиликлар билан ўз ривожланиш йўлини босиб ўтаётганлигини исботламоқда. Шу борада республикамизда фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича муҳим кўрсаткичларидан бири уларнинг товардорлиги тўғрисидаги маълумотларни 4-жадвалда келтирамай.



Самарқанд вилоятидаги барча тонфадаги хўжаликларда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришнинг
2003-2005 йиллардаги динамикаси ва уларда
фермер хўжаликлари салмоғи тўғрисида маълумотлар¹

Махсу- лотлар турлари	Ўлчов бир- лиги	Вилоятнинг барча хўжаликларида			Фермер хўжаликларида						2003 йилга нисбатан 2005 йилда	
		2003 йил	2004 йил	2005 йил	2003 йил		2004 йил		2005 йил		барча хўжалик- ларда	фермер хўжалик- ларда
		миқ- дори	миқ- дори	миқ- дори	миқ- дори	сал- моғи	миқ- дори	сал- моғи	миқ- дори	сал- моғи		
Ғўшт	Тонна	110540	136434	143236	1388	1,3	1960	1,4	1965	1,4	-29,6	+41,6
Сўт	Тонна	449578	569426	569840	9391	2	11250	2	11450	2	-26,7	+22,0
Тухум	Минг дона	238764	356101	298773	36066	1,5	55103	1,6	35376	10,1	-25,1	0
Жун	Тонна	19402	26480	26480	287	1,3	460	2,4	450	1,7	+36,5	+56,8
каракул тери	Тонна	59546	52400	46000	1044	1,8	1000	1,9	1200	2,6	-22,8	+15,0

¹ Ушбу маълумотлар Самарқанд вилоятини статистика бошқармасининг 2003-2005 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида тузилган

**Республика фермер хўжаликлариди чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш ва сотиш тўғрисидаги 2004-2005 йилдаги маълумотлар (гўшт
тирик вазнда)¹**

№	Маҳсулотларинг номлари ва ўлчов бирликлари	Ишлаб чиқариш		Сотиш				2005 йилда 2004 йилга нисбатан, %	
		2004 йил	2005 йил	2004 йил		2005 йил		ишлаб чиқариш	сотиш
				миқдори	товардорлиги	миқдори	товардорлиги		
	Республикада:								
1	а) гўшт, тонна	22554	22592	22,6	100	22,7	100	+0,2	+0,4
	б) сут, тонна	88847	94802	88,8	100	94,7	99	+6,7	+6,64
	Самарқанд вилоятида:								
2	а) гўшт, тонна	1994	2055	2	8,0	2,1	10,3	+3,0	+5,0
	б) сут, тонна	11250	11649	11,3	9,0	11,7	10,4	+3,6	+3,6

Келтирилган маълумотлар фермер хўжаликлариди чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари етарли суръатлар билан ўсиб бораётганлигини аниқ кўрсатади.

Албатта, бундай ютуқларни қўлга киритишда юкоридаги яратилган имкониятларга, фермер хўжаликлари учун сув таъминоти ва моддий-техника, сервис хизматларининг фермер даласигача етказилиб бериши ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Булар баробарида фермер хўжаликлариди ишловчи ходимларнинг ўзига ва оила аъзоларига ижтимоий(социал)-маданий шартшароитлар яратилиши билан бирга, халқимиз дастурхонига чорвачилик маҳсулотларини етказиб беришда кун сайин муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатиб турибди.

Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси фақатгина фермер хўжаликларининг ютуқ ва имкониятларини таҳлил қилишдан иборат бўлмай, балки улардаги ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳам кўрсатмоқда. Жумладан:

1) фермер хўжалиги раҳбар ва мутахассислари илмий салоҳиятидан фойдаланиш, фаолият юритишда менежмент ва маркетинг фанларининг жаҳон ва республика тажрибаларидан фойда-

¹ Ушбу жадвал Ўзбекистон республикаси статистика кумитасининг 2006 йил 1 август № 18.08146 маълумотномасига кўра тузилди

ланишда малака жихатидан бугунги бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бера олмаяптилар;

2) Авансланган капитал ҳажмини хўжалик эҳтиёжи асосида кўпайтириш ва самарали фойдаланишнинг энг муҳим шарти – бизнес-режа тузиш, инвестицияларни жалб қилиш борасида етарли малакага эга эмаслар;

3) Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш етарли даражада эмас, шу каби аудиторлик фаолиятдан самарали фойдалана олмаяптилар, сабаби давлатнинг катта имкониятлари эвазига олинган маблағлардан самарали фойдаланиш, бошқарув қарорларида кўрсатилган соҳа маълумотларини ола олмай, бошқарувда вариантли ёки хўжалик мураккаб вазиятларида муқобил қарорларга келиши қийин кечаётганлиги кўзга ташланиб қолмоқда.

Бу соҳада, бизнинг фикримизча хўжаликда бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари: а) бошқарув ҳисоби, унинг ичида бошланғич учет элементларидан, маблағларни бошқарув ҳисобида профессор Б.А.Ҳасанов томонидан таклиф қилинган бюджетлаштириш, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш амри маҳоллигича қолаётганлиги ачинарли бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, бунда тадқиқот ишларимиз натижаси сифатида фойдаланилаётган ҳужжатлар, бухгалтерия счетларига тайинланган регистрлардан фойдаланиш фермер хўжаликлари фаолиятида ҳаёт талаби асосидаги муаммолар ечимига муҳим ҳисса бўлади деб ўйлаймиз.

1.3. Фермер хўжаликларида авансланган капиталнинг доиравий айланиши, даврий босқичлари ва фаолият ҳамда жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби жихатидан назарий асослари

Фалсафий нуқтан-назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир ижтимоий ҳодисалар ва ҳаётий воқеалар олинган бир маконда ҳамда таҳлилга олинган замонда имкониятлар пайдо бўлганида воқеликка айланади ва оқибат юз беради. Дунё таракқиётининг ривожланиши тарихида фанда ижтимоий тизим (формациялар) бўлиб ўтганлиги учун асос (ссылка) талаб қилинмаслиги ҳаммага маълум, шу маънода жамиятда, унинг бошланғич бўғини корхоналаридами ёки тадбиркор фаолиятида ҳам пул айланиш даври содир бўлиши

аник. Пулнинг тадбиркорда пайдо бўлиши – имконият, унинг инсон ёки тадбиркор фаолиятида содир бўлиши – воқийлик, унинг натижасида моддий бойликлар, товарлар ўсган қиймат ифодасида қўшимча қиймат (m) фойда олишни – оқибат деб қаралиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, буни биз иқтисодиётнинг назарий асоси бўлган – иқтисодий назария фанида фикрлаш (абстракция) қилиш асосида билишга эришамиз. Шу жиҳатидан олиб фикрлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётининг эркинлашув шароитида тадбиркорда пайдо бўлган тўлов воситаси – бойлик ҳисобланади. У ўзининг мулки сифатида сарфлаб фаолият юритадиган бўлса, пул – капиталга айланади. Бу иқтисодий назария фанида, унинг таркибий қисми ҳисобланган – бухгалтерия ҳисоби фанида қуйидаги символлар асосида кўрсатиладиган бўлса, қуйидаги шаклда ифода қилиниб келинаётлигига амин бўламиз, ҳеч қандай назарий асос талаб қилмайди, барчаси бухгалтерия назарияси фанида кўрсатилганлиги маълум бўлади.


$$\begin{array}{ccccccc} \text{П} & \rightarrow & \text{T} & \dots & \text{И} & \dots & \text{T}^1 & \rightarrow & \text{П}^1 \\ \text{(пул)} & & \text{(товар, хом ашё)} & & \text{(ишлаб чиқариш)} & & \text{(тайёр маҳсулот, товар)} & & \text{(ўсган пул)} \end{array}$$

Фермер хўжаликлариди фермерларнинг мулк эгаси эканлиги ҳисобга олиниб, уларнинг фаолият турларига сарфланган сармояларнинг айланиш тезлигини ошириш, катта самара олиниши кўзда тутилади. Иқтисодиёт фанидан иқтисодий категория-авансланган капитал билан қайтиш ўсиш билан қайтиш муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Агарда буни мисол сифатида қарайдиган бўлсак, схема шаклида 1-чизмада кўрсатилган.


Шундай бўлса, сармояларнинг айланиши 200 кун бўлади (10+20+30+10+120+5+5). Фараз қилайлик, фермер сармоя айланишини шу муддатларни 40% (80 кунга) қисқартирса, бунинг учун такрор экинларни экиш, илғор технология қўллаш, дебитор ва кредитор қарзлар муддатини қисқартирса, оқибат натижада фермер биринчи айланиш вариантда 5 млн. фойда олган бўлса, иккинчи айланишда муддати 40% қисқартириш ҳисобига унинг фойда суммаси 7 млн. сўм (5 млн + 5 млн X 40%) бўлади.

Фермер активлари – капитал айланишининг давр босқичлари
(Самарқанд вилояти Нарпай тумани «Мустақиллик» фермер хўжалиги мисолида)



Фанлардан маълумки, ҳаёт, ундан ижтимоий ҳодисалар ҳақида ғоя (назария) келиб чиқади, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинганч ушбу ғоянинг аксиомаси вужудга келади, у янада ўсади ва ривожланади. Бунга мисол иқтисодий назария ва унинг таркибий қисми бўлган бухгалтерия ҳисоби фанида символлар асосида қуйидагича шаклда асрлар давомида ўрганилиб келинмоқда, буни капиталнинг айланиш доираси деб ифода қилиниб, талкин қилинади.

Бундай ҳолатни бухгалтерия ҳисобининг с/с/тларда ҳам акс эттириш мумкин,



Демак, бу бозор иқтисодиёти шароитида бутун мулкдор учун капиталнинг айланиши деб эътироф этилади, буни бухгалтерия фанида хўжалик жараёнлари деб ном олганлигини ҳеч ким инкор қилмайди.

Агарда биз буларни мантикий фикрлайдиган бўлсак, икки маъно келиб чиқади, жумладан:

А) кўрсатилганидек маълум даражада хўжалик жараёнлари тушунчаси келиб чиқади;

Б) бошқача мантикий ва логик жиҳатидан оладиган бўлсак капиталнинг (тадбиркор сармоясининг) даврий айланиши босқичлари деб аталиши тўғри бўлади ва ҳар нарсани ўз номи билан аташ бўлгани сингари, ўз номи билан атаган бўламиз.

Мазмун жиҳатидан талқин қилсак, жараён, доиравий айланиш тушунчаларининг ҳар бири ўз маъносига эга эканлигига амин бўламиз. Савол туғилади бу тушунчалар луғавий маъно жиҳатидан олинадиган бўлса, жараён бу маълум табиий, жамият таъсирида бўладиган ходиса ёки воқеани билдирса, даврий қисм (сегмент деб ҳам аталиши мумкин) бир бутун ходиса ёки воқеанинг таркибий бўлаги маъносини билдириши аниқ бўлиб қолади.

Шу жиҳатдан мантикий қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда ва жаҳонда фаолият тушунчаси борлиги, бу масала хўжалик юриштиш тўғрисида меъърий тўғри, аниқ баён қилинганлигига ҳеч шубҳа туғдирмайди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли ва ундан кейинги қарорлари билан тасдиқланган «Маҳсулот(иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисидаги низом»ни келтириш мумкин. Унга кўра ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, тармоқ, соҳа, мулк шаклидан қатъи назар тўртта фаолият тури бўйича харажатлар, даромадлар ва молиявий натижалар ҳисобини олиб бориш белгилаб кўйилган. Жумладан, асосий фаолият, давр харажатлари ва даромадлари, молиявий фаолият ва ниҳоят фавқулудда фаолиятлардир, агарда фикрлайдиган бўлсак, тадбиркор сармояси ҳар бир фаолиятида доиравий айланади, бу эса фаолият тушунчаси жараён тушунчасидан катта эканлигига амин бўламиз ва биз фикрлайдиган жараён бизнинг ихтиёримиздан ташқари, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёни фаолият таркибида эканлигига ишонч ҳосил қиламиз, айниқса бу масала табиат билан

боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусан фермер хўжаликлари фаолиятида аниқроқ намоён бўлади. Буни биз Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги мисолида кўрдик.

Маълумки, кўп ҳолларда кичик хусусий корхона ҳисобланган фермер хўжаликлари кўп тармоқли, агар мантиқан фикрлайдиган бўлсак, капитал ҳар бир тармоқ рамкасида (доирасида) ҳам юқоридаги доиравий айланишини кўрамиз.

Шундай қилиб, фикримизча капиталнинг доиравий айланиши даври, ҳар бир фаолият ва тармоқ учун тегишли бўлиб, унда хўжалик жараёнлари эмас, балки капиталнинг (сармоянинг) доиравий айланиши босқичлари деб талқин қилинса тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз, ўз навбатида тадбиркор учун тушунарли фаолият, тармоқларни ривожлантириш ғоясининг акси «бизнес-режа»ни тузишда, бошқарувда муқобил қарорлар қабул қилишда аниқ тасавурга эга бўлишида жуда муҳим рол ўйнайди. Бу масала Республика-мизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар қаторига кирувчи, юқорида зикр қилинган Низомга айрим ўзгартиришлар киритишни тақоза қилади, булар ҳар бир фаолият харажат элемент-моддаларини, молиявий натижалар шаклланишида ҳисобга олишни зарурият қилиб қўяди.

Шу каби фермер хўжаликларида 2004 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ тадбиқ қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлар(Андозалар)идан; № 1,19,20 ларда бу масалалар ўз аксини топиши лозимлигини кўрсатади, балки улардаги давр талабларидан келиб чиқиб амалиётга мос равишда зарур ўзгаришлар киритишни зарурият қилиб қўяди. Жумладан, ишлаб чиқариш харажат элемент моддаларини киритиш, айниқса фермер хўжалиги хусусий мулкка асосланганлиги боис хўжалик операцияларини нақд пул сарфлаб амалга оширишга тўғри келмоқда, аммо уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш катта муаммо бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

1. Республикамизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг турмушга тадбиқ этилишини, турлича мулк шакллари ҳисобга олиншини ва сақланишини таъминлайди. Шу пайтгача «Давлат мулки» ёки «Умумхалқ мулки» деган тушунчалар билан бирга бошқа тушунчалар-«ижарачи мулки», «кооператив мулки», «меҳнат коллективлари мулки», «ассосация мулки» ва бошқалар вужудга келганлигини билдиради ва уларнинг эгаларига бу хусусиятларни ўрганган ҳолда ҳисобга олиш ва сақланишини таъминлашни талаб қилади.

2. Бошқаришнинг ҳозирги кундаги такомиллашуви, жамияти-мизда амалга ошириладиган ошқоралик жараёни, ҳар куни янги муаммолар вужудга келадигани энг зарур ахборот воситалар билан таъминлашни тубдан яхшилашни тақозо қилади. Демак, ҳисоб жараёнларини технологик жараёнларига уйғунлаштириш талаб қилинади.

3. Ахборот воситалар билан таъминлашда ҳисоб ишларида оперативликни (тезкорликни) ошириш зарур. Дастлабки ва бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари, уларнинг манбаларининг ҳаракати ҳамда хўжалик жараёнларининг аҳволи тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичлар оперативлигини оширишнинг энг муҳим омилдир. Бу эса вақтни тежашга олиб келади. Ҳисоб-китобдаги вақт тежамкорлиги ишлаб чиқариш жараёнидаги тежамкорликдан самарадорлиқдир. Чунки у бутун коллективга қайси соҳада бу вақтни тежашни яққол кўрсатиб беради.

4. Таъминот, ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув, реализация, истеъмол жараёнларида иқтисодий назоратни кучайтириш жуда

муҳим муаммодир. Бу бир томондан моддий жавобгар шахслар ва раҳбар ҳамда мутахассис кадрларнинг масъулиятни оширса, иккинчи томондан корхонада бўлган ресурслардан, яъни меҳнат, молия, моддий ресурслардан самарали фойдаланишга ундайди, бунда энг муҳим восита икки хўжалик назорати масаласидир.

5. Бухгалтерия ҳисобининг охириги ва бошланғич нуқталари корхоналар молиясига тақалади. Шундай экан, корхоналарнинг молиясини ташкил қилиш борасида ҳам ечилиши зарур бир неча муаммолар вужудга келади. Бу шунини билдирадики, маблағларни қайси соҳаларга сарфлаш яхшироқ самара беришини, кредитдан қандай фойдаланиш, тармоқ ва корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни қай тарафда ташкил қилиш каби масалаларни ташил қилишни ўз ичига олади.

6. Иқтисод ва ҳисоб-китоб ходимлари шу нарсани яхши билишлари керакки, илмий техника тараққиёти ҳисоб-китоб, молия ва назорат масалаларини чуқур билишни талаб қилади. Бинобарин, агросаноат корхоналари, чет эл қўшма корхоналарининг вужудга келишида дастлабки ва бухгалтерия ҳисобларини такомиллаштирилишини талаб қилади. Бухгалтерия ҳисобида кадрлар малакаси оширилиши керак.

Шундай қилиб, биринчидан, дастлабки бухгалтерия ҳисобида шакллар соддалаштирилиши, механизациялаши, иккинчидан, бухгалтерия ҳисоби энг илғор услубларга таяниши, учинчидан, иқтисод ҳамда ҳисоб-китоб ходимларининг юқори билимга эга бўлишини таъминлаш зарур.

Туб иқтисодий ислохотнинг амалга оширилиши дастлабки ва бухгалтерия ҳисоби олдида жуда кўп масалаларни қўйди. Бу масалаларнинг ечилиши эса, ўз навбатида, унинг қайси йўналишлар асосида бўлишини аниқлашни талаб этади. Шу маънода йўналишлар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларни баён этишга ҳаракат қиламиз. Аввало дастлабки ҳисоб тўғрисида:

1. Агросаноат интеграцияси ишлаб чиқаришда жорий қилинаётганлигини ҳисобга олиб, ҳужжатлар, бланкаларида қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариш операцияларини акс эттиришда уйғунлигини таъминлаш зарур;

2. Ижара пудрати ва бошқа ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш шаклларининг вужудга келиши, ички хўжалик ҳисоби ролининг оширилиши ўз навбатида сифат кўрсаткичларини ҳисобга олинишини такозо қилади. Чунки сифат ва миқдор кўрсаткичларига

қараб рағбатлантиришни у ёки бу шакллари қўллаш имкониятини берса, иккинчидан инсон омилини ролини оширишга олиб келади. Бунинг оқибати эса ишлаб чиқариш самарасига қандай таъсир кўрсатиши ҳар бир иқтисодчи ва ҳисоб-китоб ходимига маълумдир;

3. Дастлабки ҳисобда технологик жараёнлардаги кўрсаткичларнинг меъёрлари билан ҳақиқий бажарилишини кўрсатувчи зарур реквизитларни ҳисобга олиш лозим. Чунки дастлабки учёт маълумотларни, технологик жараён операцияларни муддат ва сифат жиҳатидан акс эттирмай келиниши иқтисодий тангликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда бу эса иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби аввало дастлабки ҳисобнинг қандай йўлга қуйилишига боғлиқдир. Юқоридаги тартибда дастлабки учётни такомиллаштириш ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларининг йўналишларини кўриб чиқилишини такозо қилади, улар фикримизча қуйидагилар:

1. Бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб-китоб жараёнларини автоматлаштириш. Бунда бир корхона учун катта МХС (машина ҳисоблаш техникаси) зарур эмас. Балки ҳар бир корхона йўналишига мослашган ЭХМ қўллаш мақсадида мувофиқдир. Бунинг учун ишларни программалаш керак.

2. Ҳисоб ва режа кўрсаткичларни ўзаро мослаштириш бундай ҳисоботларни қисқартириш йўли билан эмас, балки далилларнинг тадбиркор учун зарур кўрсаткичлар қисқартирилмасдан ишлар машина зиммасига юклатилиши лозим.

3. Ҳозирги кунда ҳисоб регистрларидан акс эттирилаётган кўпгина миқдор, сифат ва иқтисодий кўрсаткичлар йиллик, чораклик ҳисобот кўрсаткичларига мослаштирилмагандир. Бу эса ҳисобот кўрсаткичларининг объектив, ҳақиқийлигини пасайтирмоқда.

4. Бухгалтерия ҳисобидаги регистрларда ягона ҳисоблар режаси талабларига жавоб бўлмайди. Масалан, 9-сонли журнал-ордер «Ўстиришга қолдирилган ва бурдоқига бокилаётган чорва моллар» счётининг маълумотларига жавобгар шахслар бўйича чорва молларнинг сонини топиш қийин, бундай ҳолат ҳозирги кунгача хўжасизликка барҳам беришга тўсиқ бўлмоқда.

5. Корхоналар ўз-ўзини бошқариш, пул билан таъминлаш ва молиялаштириш каби ишларни амалга ошириш, корхона тўлов қобилиятини аниқлаш, самарадорлигини у билан уйғунлаштиришни талаб этади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ва дастлабки ҳисобдаги муҳим муаммоларни ечишда бир қатор ишларни амалга ошириш зарур. Бунда ҳар бир меъёрий ҳужжатларни танқидий ўрганиш, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш корхоналар ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Молия, кредит муносабатларини ташкил қилишда ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасида товар-пул муносабатларини ташкил қилиш лозим.

Чет эл капиталининг мамлакатимиз иқтисодиётига кўпроқ киритилиши натижасида қўшма корхоналар вужудга келмоқда, бу эса пул-валюта ҳисоб-китобларини мукамал билишни тақозо этади. Валюта курсларини билиш, улардан унумли фойдаланиш – давр талаби. Ўз навбатида ижара пудрати ва кооперативларнинг фаолият кўрсатиши, улар молиясини яхшироқ ўрганишни талаб қилади. Бошқаришда иқтисодий хўжалик механизмларининг ҳамда иқтисодий-бошқарув методининг турмушга жорий қилиниши корхоналар счётларида сақланаётган пул маблағларидан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши, бошқаришдаги мустақиллик ҳуқуқининг берилиши, акциялар чиқариш, бошқа акционерлик жамоа хўжалик бирлашмаларида қатнашиши, уларни ҳисобга олиш, молиялаштиришда қонда дивидентларни тақсимлаш методларини билишни тақозо қилади.

Илмий-тадқиқот ишларининг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг амал қилаётган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабига мувофиқ, уларда ислохотларнинг мақсадларидан бири тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиши, агросаноат интеграцион жараёнининг зарурият бўлиб қолиши фермер хўжаликлар кўп тармоқли бўлиб, юқоридаги хўжалик субъектларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш корхоналарда ишлаб чиқариш бўлиқмалари учун ички хўжалик фаолиятларининг баҳоларни белгилашни, бошқа корхоналар ўртасидаги пул ҳисоб-китоб муносабатларида шартнома асосида баҳо белгилашни, коммерсантлик функцияларини мукамал билишни талаб қилади. Шундай қилиб, бу санаб ўтилган масалалар молиялаштириш кредит системасини ва бошқа кўпгина муаммоларни қўндаланг қилиб қўядики, уларни ҳуқуқат чиқараётган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳал қилиниши лозим.

Туб иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитда корхоналар йил давомида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини нормал олиб боришлари учун етарлича пул маблағлари билан таъминлашлари керак. Шуларни эътиборга олиб ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, молиялаштириш ва назоратлар олдида турган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида фикр юритамиз.

Иқтисодий бошқаришни тубдан қайта куриш жараёнида тўла хўжалик ҳисоби жорий қилиниб, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтилмоқда.

Тўла хўжалик ҳисоби-ўз харажатларини ўзи ишлаб топган даромадлар билан қоплаш, меҳнат жамоаси билан давлат манфаатларини боғлаб олиб бориш, ресурсларни ҳар томонлама тежаш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тақозо қилади. Хўжалик юритишнинг бу усули корхонанинг рентабеллигига асосланган иқтисодий муносабатлар тизимидан иборатдир. Аммо корхоналар иш фаолиятига баҳо бериш, унинг тўла қобилиятини рентабеллик даражаси билан уйғунлаштириш масаласи жорий қилинмай келинмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тўла хўжалик ҳисобининг аҳамияти янада ошади, бунда корхонанинг хўжалик жараёнлари тўғрисидаги оператив ахборот олиш мумкин бўлади.

Бу эса ўз навбатида хўжалик ҳисоби зиммасига оператив маълумотларга эга бўлиб туриш вазифасини юклайди ва бухгалтерия ҳисоби ҳар қачонгидан зарурроқ бўлиб қолади. Тўла хўжалик ҳисоби ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун энг маъқул шароитларни яратадиган принципларга асосланади. Улар куйидагилар:

Корхона ёки бирлашмага зарур ресурслар бириктириб қўйилади;

Хўжалик юритиш мустақиллиги берилади;

Ишлаб чиқаришга кетган харажатлар унинг пул тарзида олинган самараси билан таққосланади;

Ўз харажатларини ўзи қоплайди ва корхона рентабеллик даражасини таъминлайди;

Жамоа ва ҳар бир алоҳида ходим ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришдан манфаатдор бўлади, муваффақиятли иш иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади;


Хўжалик фаолиятининг натижалари учун моддий ва маънавий масъулият йўлга қўйилади;

Хўжалик ҳисоби пул воситаси билан назорат қилиб турилади ва бошқалар.

Тўла хўжалик ҳисобида ишлашнинг икки хил шакли мавжуд, албатта фермер хўжалик ҳисобига тўла ўтгач улар ҳам ўзларининг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб қуйидаги моделга бориши аниқ.

2-чизма

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашни биринчи шакли (модел)



Тадбиркорликнинг иқтисодий самарали тартибда бўлиши, фермер хўжалиklarининг ўз худудидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатларнинг яхшиланиши кабиларга эришишида, хўжалик ўз вақтида иқтисодий - пул билан таъминланиши, айланиш даврий босқичини қисқартириш йўлларининг энг мақбул вариантларини кўллаш, малакали бошқарув, онгли меҳнатни таъминлашда пул таъминоти энг муҳим восита сифатида кўринади, шу сабабли профессор Н.С.Санаев билан ҳамфикрда қоламиз, бу 1991 йилдаёқ тавсия қилинганлиги эътиборга молик илмий- тадқиқот бўлганлигини қайд қиламиз ва қуйидаги чизмани келтираамиз

3-чизма

Тўла жўжалик иқтисоди ва ўзни-ўзи пул билан таъминлашнинг иккинчи шarti (модели)



Тўла хўжалик ҳисобининг биринчи ва иккинчи моделида ҳам корхона жамоанинг моддий фаровонлиги меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилган. Биринчи моделда жами туб даромадидан давлат бюджети ва банк тизими органлари билан ҳисоб-китоб қилинса, иккинчи моделда жами пул даромадидан пул-моддий харажатлар қилинади, сўнг молия ва банк органлари билан ҳисоб-китоб қилинади.

Меҳнат натижалари, шартнома муносабатларининг беками кўст бажарилиши, айниқса фермер хўжалиги дорасидаги ишлаб чиқариш бўлиналари, моддий жавбогар марказларида масъуллик ва натижаларга қараб моддий рағбатлантиришни ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида намоён бўлишига имкониятлар яратади.

Шундан сўнг биринчи моделда қолган маблағдан, яъни хўжалик даромадидан иқтисодий рағбатлантириш фондлари фан-техника ишлаб чиқариш фондларига ажратилиб, ундан кейин фойдадан маълум белгиланган меъёрлар асосида меҳнат ҳақи фонди ташкил қилинади, иккинчи моделда эса юқоридаги ажратмалардан иқтисодий рағбатлантириш фондлари, фан-техникани рағбатлантириш фондига номативлар асосида ажратилиб, қолган қисми жамоанинг ягона меҳнат ҳақи фондини ташкил қилади.

Шу каби имкониятлар даражасида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш, халқимизнинг турмуш даражасини кўтаришга олиб келади. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, ҳозиргача тарихан бухгалтерия ҳисоби ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни ҳисобга олиниши қамраб олинмаган, келажакда албатта булар бухгалтерия ҳисоби учун зарурят бўлиб қолиши муқаррардир.

Албатта, хўжалик раҳбари ва мутахассислар олдида тўла хўжалик моделларидан бирини танлашда бироз мулоҳаза қилиш вазифаси туради. Жумладан, корхоналар маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўпайишига нисбатан иш ҳақи фонди меъёрларни белгилаш каби масалаларни ҳал қилишлари лозим. Ҳозирги даврда бошқарув ҳисоби ва менежмент талабларидан бири маҳсулот ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтасини белгилашда ҳам муҳим вазифалар ҳал қилинишида қўл келади. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, у моделларда хўжалик даромадидан ёки фойдадан ажратиладиган иқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддатга (камида беш йилга) мўлжалланган нормативларини белгилаш лозим.

Хўжалик ҳисоби моделлари самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарты – корхоналарда қаттиқ қўллик ва изчидлик билан ички ижара пудратини жорий қилишдир.

Тўла хўжалик ҳисобидан кейин корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида хўжалик юритиш усулининг ички хўжалик ҳисоби тўғрисида ҳам гап юритиш лозим.

Ички хўжалик ҳисоби – корхона хўжалик ҳисобининг ўзвий таркибий қисмидир. Ички хўжалик ҳисоби корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари билан ўзаро иқтисодий муносабатлар системасини ўз ичига олади. Ички хўжалик ҳисобининг бу белгилари ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти доирасида бўлади, ташқи муносабатлар соҳасида бугунги бозор иқтисодиёти шароитида шартнома муносабатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Агарда у шахс бўлмаган бўлинма бўлса. Ички хўжалик ҳисобининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

1. Корхонанинг ичида ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси маълум оператив мустақилликка эгадир.

2. Ишлаб чиқариш бўлинмалари белгиланган меъёр ва нормалар асосида ўз ишларини юритади, фаолият иш натижаларини, ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларини таққослаш имкониятига эга.

3. Улар ўзларига беркитилган мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришганликлари учун моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

4. Улар ўзларининг иш фаолиятида хўжалик юритиш қоидаларини бузганликлари, ўзлари олдидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун иқтисодий жавобгарликлар ва бошқа ҳолатлар сездирилади.

Ички хўжалик ҳисоби асосида бугунги кунда одат тусига кирган самарали ижара пудрати асосида иш юритиш, асосан корхоналарнинг бизнес-режа ва ҳисоб бўлинмалари томонидан технологик карталар асосида тузиб чиқилганда ишлаб чиқариш топшириғи асосида иш фаолиятини ташкил қиладилар. Ундаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар бажариладиган ишлар ҳажми, харажатларнинг лимити, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг миқдори, оладиган пул даромадларнинг ҳажми қабилар.

Демак, бухгалтерия ҳисоби, молиялаштириш ва хўжалик назоратини кўрсатилган принциплари асосида ташкил қилиниши ло-

зим. Ҳозирча ҳисобнинг аҳволи кўрсатилган принципларга тўла жавоб бера олмайди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида илмий-тадқиқот натижаларининг, назарий асоси, энг муҳими ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш анча илгарилаб кетганлигини алоҳида баён қилиш жойиз бўлади.

Албатта, бошқарув ҳисоби тўғрисида гап кетганда республикамизда мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва амалий жиҳатлари бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда, кенг дунёқараш, ҳўжаликдаги мулк, уларнинг вужудга келиш манбалари, ҳўжалик жараёнлари, молиявий натижалар, ҳисоб-китоб операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш борасида ғарб мамлакатларидаги аҳвол даражасида бўлганлигини баён қилиш тўғри бўлади.

Тарихан республикамизда бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳисоб тушунчаси бўлиб, унинг элементлари, агар яхши фикрлайдиган бўлсак, бошқарув ҳисобининг асосини ташкил қилганлигини билиб олиш қийин эмас, аммо бошқарув ҳисобини илмий-тадқиқот ишларида бу масала ечилган бўлсада, ҳаётга тадбиқ қилиш борасида бироз четда қолиб кетмоқда. Бу элементлар қуйидагилардир:

- 1) ҳўжалик операцияларининг аниқ миқдор, сифат, қиймат жиҳатидан кирим-чиқим ҳужжатларида акс эттирилиши;
- 2) масъулият юкланган жавобгарлик марказларда моддий-жавобгар шахснинг кирим-чиқим дафтари;
- 3) жавобгарлик марказининг мутасадди шахси, корхона бухгалтериясига белгиланган давр учун ҳужжатларни қўшиб ҳисобот топширади. Шу сабабли кўрсатилган фикр бошқарув ҳисобининг асосини ташкил қилишини четда қолдириб бўлмайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотларни кирим қилиш бўйича Республикамизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларда (1999 й., 5 февралдаги Низомга кўра), эълон қилинган дарсликлар, монографиялар ҳамда биз олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларига кўра бош счёт №2000, -“Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби” бухгалтерия счётига қуйидагича тавсифнома беришни лозим деб ҳисоблаймиз. Аввало ЎзРБҲМС-21 да мазкур счётни номланиши ҳақида шуларни қайд қилиш лозимки: а) бу счётда фақат харажатлар ҳисоби ҳисобга олиб олинмай, балки маҳсулотларнинг даромади ҳам ҳисобга олиб борилади;

б) бошқарув жараёнида фермер хўжаликлари раҳбарларининг бу жараёндаги турли-туман мураккаб хўжалик вазиятларда муқобил қарорга келиши ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим; в) бундан ташқари бошқарув ҳисоби бўйича хўжалик субъектининг ихтисосланиши, технологик жараёнлардаги режимга риоя қилиниши ҳам оқибат натижада тежамкорлик ёки ортиқча харажатлар вужудга келиши мумкинлиги лозим; г) ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ва маҳсулотларнинг қайси мақсадларга мўлжалланганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Бу фикрларни ҳисобга олиб, кўрсатилган стандартда счётнинг номини, унинг мазмунига мос келишини ҳисобга олиб счёт №2000,-“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотларнинг киримининг ҳисоби” деб номланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бухгалтерия счётларининг иқтисодий турқумланишига қараб, бу счёт иқтисодий мазмунига кўра хўжалик жараёнларини, бошқа томондан тайинланиши ва таркибига мувофиқ баланс таркибидаги асосий ҳамда калькуляцион счёт ҳисобланади.

Фикримизча счёт №2000,-“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотларнинг киримининг ҳисоби”га қуйидагича тавсифнома берилиши тўғри бўлади. Бу счёт корхона балансида жойланишига қараб актив счёт ҳисобланади, унинг дебет томонида маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари (бунда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг қолдиғи (сальдоси) ва ҳисобот даврида қилинган сарфлар) қиймат бирлигида ҳисобга олиб борилса, счётнинг кредит томонида ҳисобот даврида кирим қилинган маҳсулотлар миқдорлари (турлари, сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, йил давомида бизнес-режа таннархида, йил охирида эса ҳақиқий таннархида) хўжаликка кирим қилиниши қиймат бирликларида акс эттирилади.

Счёт бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларига кўра, (улар 17 та бўлиб, энг муҳими мавзуга тегишли) ҳисобот даврида айнан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва кирим қилинганлари даврлар жиҳатидан бир-бирига мос ҳолда олиб борилиши таъминлаши лозим.

Счётга тайинланган регистр эса журнал-ордер №10 да олиб борилади. Аналитик счётлари ишлаб чиқаришнинг қайси мақсадга қаратилганлигига қараб (тайёр маҳсулот олиш, ёхуд хом-ашё сифатида киримга олиниши), технологик жараёнларга, ёки фермер

хўжалигида ходимлар моддий манфаатдорлигини таъминлаш, ҳисоб-китоб марказларининг жавобгарлик масъулиятини ошириш мақсадида экин, чорва моллари учун тайинланган субсчётлар таркибида бўлинмалар учун ҳам аналитик счётлар очилиши лозим. Албатта бошқарув ҳисобидаги маълумотларни молиявий ҳисобга зарур бўладиганларига уйғунлаштириш, фермер хўжалиги бизнес-режасининг ҳисобот даврида назоратнинг тезкорлигини ошириш жиҳатидан қаралиб, журнал-ордер №10 “сальдо” каторидан олдин бизнес-режадаги харажат моддалар кўрсатилиб, таги чизилиб, кейин “сальдо” ва хўжалик операция бухгалтерия узатмалари (проводкалари) систематик ёзилса яхши бўлади. Бундай кўрсаткичларнинг бошқарув ва молиявий ҳисобларда акс эттирилиши бозор иқтисодиёти шароитида фермер учун бошқарув жараёнида жуда зарур бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги бошқарув ҳисобини тадқиқот натижаларига эътибор берсак, бунда бозор муносабатларида тадбиркор учун муҳим ҳисобланган «бизнес-режа» ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланишини фикримизча эътиборга олиб қўйилиши лозим.

Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия счётларига тайинланган регистрларда қуйидагича олиб бориш шаклланган:

1. Меҳнат ҳақи ва унга нисбатан ҳисобланган ижтимоий суғурта ажратмалари;
2. Ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари;
3. Ем-хашак сарфи;
4. Иш ва хизматлар;
5. Асосий воситаларни сақлаш ва ишлатиш харажатлари;
6. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқарув чикимлари;
7. Мулк суғурта тўловлари;
8. Бошқа сарфлар;
9. Чорва молларининг ҳаром ўлиши бўйича чикимлар.

Бухгалтерия ҳисоби дарслиги ва бошқа манбаларда бу харажат моддаларининг кўп вариантларда турлича талқин қилинишидан қатъи назар, илмий-тадқиқот ишлари натижасида ҳар бир харажат моддаларига, сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликларида ҳисобга олиб бориш ва бухгалтерия счётларида акс эттириш бўйича қисқача изоҳлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Биринчи мода, яъни меҳнат ҳақи ва унга ҳисобланган ижтимоий сугурта ажратмалари бевосита подани сақлаш, парваришга, насли, яъни буқалар, ғунажинлар, сигирлар ҳамда 20 кунгача бузоқларни парвариш қилишда қатнашган ходимлар меҳнат сарфига мутаносиб тартибда ҳисобланган меҳнат ҳақи суммалари, сигир соғувчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақлари мавсумий тартибда иш ташкил қилинганда бепул иссиқ овқат, махсус кийим, ходимларни ишга олиб бориш, турар жойларига олиб бориб қуйиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Бундай харажатлар киши-соат ва киши кунлари кўрсатилган ҳолда акс эттириладиган, бажарилган ишларни ҳисобга олувчи шакл б7-б ҳужжатида, табелда кўрсатилади. Ижтимоий сугурта эса, меҳнат ҳақига нисбатан йилдан-йилга ставкаси камайтирлаётган (2006 йилда 25%) ажратмаларни, бухгалтерия маълумотномасига мувофиқ «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счётининг дебетиди, «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар-№6710» ҳамда «Сугурта бўйича тўловлар №6510» счётларининг кредитланиши акс эттирилади.

2. Бу моддада хайвонларни ҳимоялаш харажатлари асосий подани турли касаллик ва эпидемиялардан сақлаш, даволашга кетган ветеринария врачларининг меҳнат ҳақи, сарфланган ветеринария препаратларининг сарфи акс эттирилган далолатномага мувофиқ амалга оширилади ва «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебет, «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар-№6710» счёти кредит ва «Сугурта бўйича тўловлар-№6510», «Хомашё ва материаллар-№1010» (агарда четдан қилинган бўлса счёти «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар-№6010») нинг кредитланиши билан кўрсатилади.

3. Учинчи модда ем-хашак харажатлари «Ем-хашак сарфлаш қайдномаси»га кўра (боқув кунлари ҳамда озуқа бирликлари кўрсатилган ҳолда) «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебетланиб, «Хомашё ва материаллар-№1010» счёти кредитланиши билан акс эттирилади. Тушама харажатлари эса худди шундай акс эттирилиб, фаркли равишда ҳисобот давридаги вақт бўйича қилинган тушамалар далолатномада кўрсатилади.

4. Ушбу моддада электр, иссиқлик, сув таъминотлари, бажарилган ишлар ва хизматлар, хизмат қилган бўлимлар билан шартномага кўра иш ҳажмлари (шартли, натурал ва вақт бирликларида) «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебетланиб, хўжалик

операцияларининг мазмунларига қараб, масалан ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг ишлари бўйича «Ёрдамчи ишлаб чиқариш-№2310» агар четдан кўрсатилган хизматлар бўлса, «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар-№6010» счётлари кредитланиши билан кўрсатилади.

5. Бу моддада чорвачилик тармоғида фойдаланилган асосий воситалар бўйича амортизацион ажратмалар суммасини ҳисобга олиш учун белгиланади (бино, сут соғиш ускуналари ва бошқа асосий воситалар). Шунингдек, ушбу моддада чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситаларнинг жорий ременти бўйича харажатлар ҳисобга олинади. Бунда «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебетланиб, хўжалик операцияларининг мазмунига қараб 0220, 0230, 0260 ва 0290 счётлари кредитланади. Номоддий активларнинг эскириш(амортизация) суммаси мамлакатимизда максимал 5 йил қилиб белгиланган, бу эса «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счётининг дебетланиб, «Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби-№0500» счётининг кредитланиши билан хўжалик операциялари акс эттирилади.

6. Бунда асосий подага хизмат қилувчи бўлим зоотехниклари, ветврачлари, мутахассисларнинг чиқимлари тақсимланган чиқимлари ҳисобига «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебетланиб, «Умум ишлаб чиқариш харажатлари-№2510» счёти кредитланади.

7. Бу харажат моддасида асосий подани ҳамда улар сақланадиган бино, мулкларнинг суғурта харажатлари кўрсатилади, бунда «Асосий ишлаб чиқариш-№2010» счёти дебетланиб, «Суғурта бўйича тўловлар-№6510» счёти кредитланиши. Тартибда хўжалик операциялари акс эттирилади.

8. Ушбу харажат моддасида аввалги моддаларга кирмаган турли сарфлар ҳисобга олиб борилади. Буларга қуйидагилар киради: ферма атрофларини, маҳсулотларни ўраш харажатлари, дезинфекция ғовларини қуриш ва бошқа ходимларга берилган махсус кийим ва пойафзалларнинг эскириши, чорва моллари учун ёзги лагерлар ва бошқа нокапитал иншоотларни қуриш харажатлари.

9. Бу харажат моддасида чорва молларининг ҳаром ўлиши бўйича чиқимлар ҳисобга олиб борилади.

Илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича бундай ҳисоб-китобларнинг бошланғич ҳисобда олиб борилишини тўғри деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, тадбиркорликнинг иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан, бошқа сарфлардан сўнг «жумладан сотиб олинган ем-хашак, хизмат ва ишлар бўйича сотиб олинган пул харажатлари» кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз

Ҳозиргача ҳам Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарида шу харажат моддалари асосида ҳисобга олиб бориш одат тусига кириб қолган. Албатта ишлаб чиқариш харажатларини «асосий ишлаб чиқариш» сметиға ёзиш учун 4 хил ҳужжат гуруҳлари бу харажатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб акс эттирилиб борилади:

- 1) Меҳнат курулларидан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш харажатларини акс эттирувчи ҳужжатлар, асосий воситаларға амортизация ҳисоблаш ведомости ва сарфланганлиги тўғрисидаги далолатномалар;
- 2) Меҳнат предметларининг ишлатилганлиги ҳақида варақалар (машинист-тракторист), ведомост ва далолатномалар;
- 3) Меҳнат сарфини кўрсатувчи табел ва бажарилган ишларни ҳисобга олиш варақалари;
- 4) Чорвачилик ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотларни кирим (даромадга) олиш, кундалик ва бошқалар ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот даврида шунга амин бўлдики, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб боришнинг кўплаб вариантлари олимлар томонидан тавсия қилинган. Мисол учун технологик жараёнларда ишлар бўйича ҳисобга олиш; жавобгарлик марказлари бўйича экин тури, чорва моллари тури гуруҳлари асосида харажатларни ҳисобга олиш кабилар профессор О.Бобожонов ва К.Жуманиёзовлар томонидан молиявий ҳисоб ҳамда бошқарув ҳисоби мустақил усуллари тавсия қилинган.¹ Аммо улар ўртасида фойдаланилаётган сметиға сони ва бошқаларда жуда кам ўзгаришлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Шу билан биргаликда доцент А.А.Абдуганиев ҳам бошқарув ҳисоби харажат моддаларини таҳлил қилиб бир неча вариантни тақлиф қилган, уларни биз куйида келтирамиз:

¹ Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. Тошкент, 2005, 110-111-бетлар.

Харажатлар таркиби, уларнинг иқтисодий элементлари
бўйича таккослаш¹

Харажат эле- ментлари	И.А.Ламякин	В.В.Новилов С.И.Полянов А.Ф.Аксененко	Т.П.Карлов	1995 йил тав- сияси	Абдуганиев	Янги тавсия (Ғ.Н.Санаев)
Хом ашё ва асо- сий материаллар	X	X	X	X	-	X
Сотиб олинган ем-хашак	X	X	X	X	-	X
Моддий хара- жатлар:	X	X	X	X	X	X
Ёрдамчи мате- риаллар	X	X	X	X	-	X
Ёкилги	X	X	X	X	-	X
Энергия	X	X	X	X	-	X
Асосий ва қўшимча иш хаки	X	X	X	X	-	X
Ишлаб чиқариш характерига эга харажатлар	-	-	-	-	X	X
Ижтимоий сугурта	X	X	X	X	X	X
Асосий восита- лар амортиза- цияси	X	X	X	X	X	X
Номоддий ак- тивлар	-	-	-	-	X	X
Бошқа харажат- лар	X	X	X	X	X	X
Бошқа ишлаб чиқаришга боғлиқ харажат- лар	-	-	-	-	X	X

Биз бундай тартибда харажатларни бухгалтерия ҳисобида ақс эттиришни фермер ва мутахассислар ихтиёрига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай жадвалдаги таклифлар республика-
миздаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганлардан маълум фарқларга
эга бўлиб, ҳозирги билим ва малака жиҳатидан етарли эмаслиги
ҳисобга олинса, бу биров чалкашликларга олиб келади.

¹ Абдуганиев А.А. Диссертация иши, 26-бет.

Харажат таркибини, уларнинг моддалар бўйича қиёсий таққослаш¹

Харажат код-далари	И.А.Ламыкин	В.В.Новилов С.И.Полянов А.Ф.Аксененко	Т.П.Карпов	1995 йил таъясси	Янги таъясси	Янги таъясси (Ғ.Н.Санаев)
Меҳнат ҳақи ва ижтимоий сугурта	X	X	X	X	X	X
Ишлаб чиқариш материаллари	-	-	-	-	X	X
Уруғ	X	-	-	X	-	-
Ўқилги мойлаш материаллари	X	X	X	X	-	X
Энергия	X	X	X	X	-	X
Уғитлар	X	-	-	X	-	X
Сугориш харажатлари	-	-	-	X	-	X
Сотиб олинган буюмлар ва ярим фабрикалар, транспорт тайёр харажатлари	X	X	X	X	-	-
Амортизация	X	X	X	X	X	X
Материалларни етказиш харажатлари	-	-	X	X	-	X
Номоддий актив	-	-	-	-	X	X
Брак ва йўқотишлар	-	X	X	-	X	X
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	-	X	-	X	X	X
Ноишлаб чиқариш харажатлари	-	-	-	-	-	X
Умумишлаб чиқариш харажатлари	X	X	X	-	-	X
Умум хужалик харажатлари	X	X	X	X	-	X

¹ Абдуғаниев А.А. Диссертация, 26-бет.

Бу жадвалга ҳам олдинги схемадаги фикрни баён қилиш мумкин деб ўйлаймиз. Савол туғилади, нима учун бу схемалар зарурият сифатида келтирилди? Фикримизча, фермер ва мутахассислар учун малака, савиясини ошириш, мақбул вариантлар учун зарурдир.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагалар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

Ишлаб чиқариш моддий харажатлари (кайтирилдиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сўғурта ажратмалари;

Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиб тўғрисидаги низомда ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар;

- 1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ, моддий харажатларга қуйидагалар тегишли бўлади:
- 1.1.1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинган хом-ашё ва материаллар.
- 1.1.2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)

ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоатлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар мосламалар, инвентар, проборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим-бош ва бошқа арзонбаҳо буюмларининг эскириши. Бу ерда эскириш меъёрларига риоя қилиш кўрсатилса яхши бўлади.

- 1.1.3. Сотиб олиннадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилнадиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.
- 1.1.4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар. Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим хўжалик операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хом ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади. Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом-ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, таварлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегашли бўлади.
- 1.1.5. Табиий хом ашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги ти-

зимиди белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортикча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун-ёғоч тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга хукукларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари.

- 1.1.6. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилгининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари. Фикримизча, фермер бу ерда хўжалик доирасида трансферт баҳоларда ҳисоб-китоб қилиш зарур.
- 1.1.7. Хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади). Албатта, бу ерда ишлаб чиқариш капитал айланиши давридаги жараёнларга имтиёз бериш, тадбиркорликни агроинтеграцион жараёнини ривожлантиришга имконият яратилган бўлар эди.
- 1.1.8. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортикча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.
- 1.1.9. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушуриш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).
- 1.1.10. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар

- хам моддий ресурслар қийматиға киритилади.
- 1.1.11. Маҳсулот таннархиға киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чикитлар қиймати ва идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки оморға кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.
- 1.1.12. «Моддий харажатлар» элемент бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан брокерлик хизматларидан, боғхона тўловлари деб қўшилиши зарур ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.
- 1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади.
- 1.2.1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нарх-наволар, таъриф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажариладиган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи шу жумладан бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.
- 1.2.2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар.
- 1.2.3. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:
- 1.2.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишламайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;
- 1.2.3.2. Кун сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга

- қўшиб олиб боришлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;
- 1.2.3.3. Хукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;
- 1.2.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақиға, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойға қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда утган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;
- 1.2.3.5. Қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;
- 1.2.3.6. Доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларға уларнинг шахтада (қонда) иш жойиға жўнаб кетишларидан ва орқаға қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;
- 1.2.3.7. Меҳнатға ҳақ тўлашнинг районлаштириш бўйича тартибға солинишиға, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;
- 1.2.3.8. Хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойиға ва орқаға қайтадиган йўлда ўтадиган қунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда туташиб қолинган қўшимча учун таъриф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар(вахта усулида ишни бажаришда).
- 1.2.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган

бошқа ҳолатларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари, учун ҳақ тўлаш.

- 1.2.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:
 - 1.2.5.1. Амалдага қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллер, пайтидаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллер учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.
 - 1.2.5.2. Мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;
 - 1.2.5.3. Донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилдиган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
 - 1.2.5.4. Давлат вазибаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.
- 1.2.6. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тўзилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлигига ҳақ тўлаш, агар бажарилганиш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.
- 1.2.7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашучи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари
- 1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар. Ижтимоий суғуртага ажратмаларга куйидагилар киради:
 - 1.3.1. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.
 - 1.3.2. Нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига аж-

ратмалар.

- 1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:
- 1.4.1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради. Фикримизча, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари эътиборга олинishi лозим эди, чунки бунда аниклик йўқ, таннархга асосий воситалар доимий ставкада маҳсулотлар таннархига таъсири эътибордан четда қолганлиги маълум бўлди.
- 1.4.2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.
- 1.5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари 1.1, 1.2, 1.3, 1.4- бандаларда келтирилаётган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.
- 1.5.1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.
- 1.5.1.1. Ишлаб чиқаришни хом-ашё, материаллар, ёнилги, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлар билан таъминлаш харажатлари.
- 1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўрточа, жорий ва

мукаммал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукаммал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Зарурат бўлганда айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукаммал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектнинг мукаммал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин. Агар мукаммал тузатишга захира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

- 1.5.1.3. Ёнгиндан сақлаш ва куриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари. Идорадан ташқари куриқлаш харажатлари бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.
- 1.5.1.4. Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.
- 1.5.1.5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фондни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар,

- шу жумладан ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган нормалар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқаргани учун тўловлар.
- 1.5.1.6. Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.
- 1.5.1.7. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари.
- 1.5.1.8. Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар киймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлари ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).
- 1.5.1.9. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар киймати(шу жумладан формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилаган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси)
- 1.5.1.10. Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
- 1.5.1.11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.
- 1.5.2. Ишлаб чиқариш ходимларининг белгаланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.
- 1.5.3. Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.
- 1.5.4. Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.
- 1.5.5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлари.

- 1.5.6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни ка-
фолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш
харажатлари.
- 1.5.7. Маҳсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификацияси
қилиш харажатлари.
- 1.5.8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти
йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли орган-
ларнинг қарорлари асосида ва қарорларсиз тўланадиган
нафақалар.
- 1.5.9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хиз-
мат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш
жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ хара-
жатлар

Буни низомдан келтиришдан мақсад, ҳар бир ва айрим пункт-
ларига фикрлар билдириш бўлса, иккинчи томондан эса фермер-
ларга бу соҳада ҳуқуқ имкониятларини бериш, тадбиркорликда
амалга ошириладиган яширин харажатлар масаласи ҳам эътиборга
олинмай қолганлигини қайд қилиш жойиз бўлади.

2. Давр харажатлари

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни
билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади:
бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва
умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар. Қуйида 2-
банд бўйича ўтилган барча харажатлар комплекс моддалари
ҳисобланади ва уларни ҳисобга олиш мазкур Низомнинг 1.5-банди
муқаддимасида кўрсатилгандек харажатлар элементлари бўйича
ташқил этилади. Бу ерда эса қатта ҳажмдаги хўжаликларнинг со-
тиш харажатлари, тўла таннарх бўлиши энг муҳим иш
ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишида молиявий ҳисобнинг ўрни алоҳидадир.
Бу борада доцент К.Б.Уразовнинг молиявий ҳисоб тўғрисидаги
таърифини келтириш муҳим, жумладан «Молиявий ҳисоб корхона-
нинг молиявий ҳолатини ифодаловчи ресурслар ва
кўрсаткичларнинг ҳолати ва ўзгаришини кузатиш, баҳолаш, назор-
рат қилиш, келгуси режалар параметрларини тўғри белгилашга до-
ир бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида, уларга доир
пулда ифодаланган йиғма ахборотларни ҳам ички, ҳам ташқи фой-

даланувчиларга етказишга қаратилган бухгалтерия ҳисобининг куйи тизимидир»¹. Албатта бу фикрга биз тўла қўшилган ҳолда, ишлаб чиқариш харажатлар ҳисобида меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек, молиявий натижалар (тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнида) олиниши бўлса, бошқа томондан асосий ишлаб чиқаришда бизнес-режага кўрсаткичларни таққослаш асосида муқобил қарорларга келиш кабилар ўз ифодасини топади, сўнгра маҳсулот таннархи шаклланиб молиявий натижага ахборот замини тайёрланади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда дунё иктисодиётида глобал масала – табиий, айниқса сув, энергетика ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш масаласидир.

Шу муносабат билан республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналари учун, жумладан фермер хўжаликларга ҳам тегишли уруғ, ўғит, ЁММ, меҳнат сафларининг меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоят сув хўжалик бошқармалари томонидан ишлаб чиқилганлигини қайд қилиш лозим.

Куйидаги жадвалда меъёрларни белгиланганларини келтирамиз.

5-Жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва қўшимча маҳсулотларга тақсимот коэффициентини

Маҳсулот турлари	Кoeffициент
1	2
Пахта хом ашёси	1
Взапоя	0,05
Дон	1
Сомон	0,08
Макка дони (қуриган)	1
Пояси	0,17
Қанд лавлагиси	1
Барглари (Ботва)	0,2
Бир йиллик беда хашаги	1
Бир йиллик беда уруғи	90 0,9

¹ Уразов К.Б. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари Тошкент: Фан, 2005. 172-173-бёллар.

1	2
Бир йиллик ўтлардан сомон	0,1
Бир йиллик ўтдан кўк масса	0,25
Кўп йиллик ўтлар – беда	1
Кўп йиллик беда уруғи – беда ўти	0,75 0,75
Кўп йиллик беда утидан – сомон	0,1
Кўп йиллик ўтдан кўк масса	0,3
Привес (ўсиш вазни) (хайвонлар, товук)	1
Сут (кўй-эчки)	0,22
Жун	5
Тухум (1000 дона)	0,8
Асал (1 ц.)	1
Воск (асалари муми 1 ц.)	2,5
Рои	0,6
Сут 1 ц. (КРС)	0,9
Бузук	0,1

Бугунги кунда бозор муносабатлари, бозор конъюнктура талабларига жавоб бермай қолганлигини кўрсатиш жойиздир.

6-Жадвал

Шартли бошга айлантириш коэффициенти:

Йирик шохли моллар	1,0
Қолган йирик шохли моллар	0,6
Чўчка - ўртача	0,3
Кўй ва эчкилар ўртача	0,1
От-туялар	1,0
Парранда	0,02

Ҳозирги кунда ҳам бу ўзининг илмий асосланганлигини қайд қилиш, кейинги илмий-тадқиқот ишлари учун қулайлик туғдиради, деб ўйлаймиз.

Биз олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари учун меъёрий ишлаб чиқариш харажатларини ички шартнома муносабатларида «чек тизими»ни жорий қилиш лимит харажатларини белгилашда қўл келади.

**Ҳар бош шартли молни ем-хашак ва дағал, ширали озуқаларга
бўлган талаби, (тонна ҳисобида)**

№	Вилоятлар	Қорамол	
		Ем	Дағал ширали
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1,2	2,1
2	Андижон	1,6	3
3	Бухоро	1,5	2,8
4	Жиззах	1,5	2,7
5	Қашқадарё	1,5	2,7
6	Навоий	1,5	2,8
7	Наманган	0,8	3
8	Самарқанд	1,5	2,7
9	Сурхондарё	1,5	2,7
10	Сирдарё	1,5	2,8
11	Тошкент	1,6	3,1
12	Фарғона	1,6	3,1
13	Хоразм	1,5	2,8
Республика бўйича жами		1,6	3,1

Барча хўжаликлардаги каби сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликлар доирасида ички хўжалик ҳисобига асосланган жавобгарлик марказлари мавжуддир, бу борада ҳам олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, жумладан: Н.С.Санаев ижара-пудрат бўйича муносабатларга катта эътибор бериб, ўзининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва молиялаштиришнинг долзарб масалалари» (Т.Мехнат, 1991 й.) рисоласида ижара ҳақи, ижара пудрати, республикамиз шарт-шароитига мос равишда ички баҳо ва иккита чек тизимини ишлаб чиқиб кенг жорий қилинганини қайд қилиш зарур бўлади, бу эса ўз навбатида шартнома муносабатларига ўтиш, ҳозирги вақтда кенг тадбиқ қилинаётган «электрон виза карточка»ларнинг жорий қилинишига катта замин бўлганлигини тан олиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу масала ривожлантирилиб, профессор Б.А.Хасанов, А.А.Ҳошимовлар томонидан тайёрланган «Бошқарув ҳисоби» дарслигида «трансферт баҳо» тушунчаси киритилиб янада ривожлантирилди. (234 бет).

Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобида профессор А.К.Ибрагимовнинг диссертация ишида қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг меъёрий жиҳатлари асосида юритиш назарий, илмий ва амалий жиҳатдан тўла очиб берилган.

8-жадвал


Ургут тумани «Ал-Рашид» фермер хўжалигида барча чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш таншархи таркиби

№	Харажат моддалари	2004 йил		2005 йил		2005 йилда 2004 йилга ҳисобланганда %
		Сумма, минг сўм	салмоғи	Сумма, минг сўм	салмоғи	
1	Меҳнат ҳақи ва ижтимоий сугурта харажатлари	719,6	10,9	827,1	11,4	+15
2	Ем-хашак сарфи	2458,0	37,0	3072,5	41,0	+25
3	Асосий воситалар амортизацияси	782,2	12,1	920,2	12,0	+18
4	Иш ва хизматлар	-	-	-	-	-
5	Бошқа харажатлар	761,8	11,9	403,8	5,0	-47,0
6	Ёкилги мойлаш материаллари	591,7	9,1	880,1	11,6	+49,0
7	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	1282,9	19,0	1425,4	19,0	11,0
8	Сугурта харажатлари	-	-	-	-	-
	ЖАМИ	6596,2	100	7329,1	100	+14

Жадвал маълумотлари бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг таркибий салмоғини фермерлар билиши ва ҳар хил вазиятларда муқобил қарорларга келишда муҳим самарадорликни оширишда асосий восита ҳисобланади. Қуйида биз чизма шаклида бухгалтерия проводкалар бўйича схемани келтиришни лозим топдик.

«2010-Асосий ишлаб чиқариш» счётининг корреспонденцияси

Дт «6710-Меҳнат хаки бўйича хо- димлар билан хисоб-китоблар»	Кт	Дт «2010-Асосий ишлаб чиқариш»	Кт	Дт «2810-Омбордаги тайёр маҳсулот»	Кт
		Табел, бажаришган ишлар варағи- меҳнат хаки хисобланди	→		
Дт «6510-Сугурта бўйича тўловлар»	Кт			Тайёр маҳсулотлар кирим қилинди (сўт соғиш қуналдиги, бузюк олиш далолатномаси)	
		Бухгалтерия маълумотномаси, меҳ- нат хакига нисбатан ажратмалар	→	→	
Дт «1010-Хом-ашё ва материаллар»	Кт			Дт «2010-Асосий иш- лаб чиқаришлар, жумладан, ўсимликчилик	Кт
		Уруғ, уғит, сивилги, эҳтиёт қисмлар ва бошоқалар сарфланди даволатнома тиз	→	Мутахассислар, хисоб-китобларига мувофиқ туниқ олиб сарфланди	
Дт «2310-Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	Кт			→	
		Иш варақаси, тракторси- машинистнинг варақасига мувофиқ ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлима- лари хизмат курагани	→		
Дт «6010-Мол етқа- зиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	Кт			Дт «9110-Сотилган маҳсулот таннархи»	Кт



Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида алоҳида, ери берки-тилмаган, аммо давлатнинг заҳира ерларидаги ўтлоқ, пичанзорлардан фойдаланиб келаётган Самарқанд вилояти Ургут туманида 1994 йилдан буён бурдоқчилик (асосан) етакчи тармоқ сифатида қорамолчилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган «Ал-Рашид» фермер хўжалигида бош счёт №2020 «Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши субсчети»да 8 та модда бўйича олиб борилганлигини таҳлил қилдик, уларни қуйида келти-рамиз.

**Оқдарё тумани «Келажак» фермер хўжалигида барча чорва
махсулотлари таннархининг таркиби**

№	Харажат моддалари	2004 йил		2005 йил	
		Минг сўм	Салмоғи	Минг сўм	Салмоғи
1	Иш ҳақи фонди	1015,2	8,6%	1429,6	8,6
2	Озука	7509	63,6%	10572,1	63,6
3	ЁММ	330,5	2,8%	465,4	2,8
4	Асосий воситаларни сақлаш харажатлари	271,5	2,3%	382,3	2,3
5	Иш ваҳизматлар	1180,5	10,0%	1662,3	10
6	Сугурта тўловлари	7,9	0,1%	83,1	0,5
7	Умум ишлаб чиқариш ха- ражатлари	106,2	0,9%	149,6	0,9
8	Бошка харажатлар	1386,3	11,7%	1878,4	11,3
ЖАМИ		11805,1	100	16622,8	100

Аммо шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, харажат моддалари бўйича базис даврига нисбатан чекланиш бирон-бир қонуниятга эга эмас, лекин ем-хашак ҳамда меҳнат ҳақи узлуксиз ошиб бориш тенденциясига эга, бунинг сабаблари баҳо ва тариф ставкаларининг ошишидан келиб чиққан.

Албатта илмий-тадқиқот натижаларининг ишончли далилларга асосланганлиги муҳим, шунини эътиборга олиб, фақат қорамолчилик йўналишига ихтисослашган Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Келажак» фермер хўжалиги материалларини ҳам келтирамиз, шу билан ҳам фикрларимиз аниқ эканлигини кўрсатди.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, харажатлар таркибида деярли ўзгаришлар юз бермаган, мутаносиб равишда бўлган, аммо умумий тартибда харажатларнинг абсолют миқдори ўсиб бориш тенденциясига эга, демак фермер хўжаликлари фаолият юритишида бозор талабларига мослашиб бормоқда.

Жадвал маълумотларидан кўра «Беш бола» фермер хўжалигида харажатлар таркибида салмоқли ўринни озука харажат моддаси эгаллаган.

**Пастдаргом тумани «Беш бола» фермер хўжалигида барча чорва
маҳсулотлари таннархининг таркиби**

№	Харажат моддалари	2005 йил		2006 йил	
		Минг сўм	Салмоғи, %	Минг сўм	Салмоғи, %
1	Иш ҳақи фонди	2418	10,0	2342	9,6
2	Озука	15987	66,2	16402	66,9
	Шундан: сотиб олинган	7684	31,8	8842	36,1
3	ЁММ	986	4,1	1001	4,1
4	Асосий воситаларни саклаш харажатлари	780	3,2	757	3,1
5	Иш ваҳизматлар	1821	7,5	1916	7,8
6	Сугурта тўловлари	87	0,4	119	0,5
7	Умум ишлаб чиқариш ха- ражатлари	187	0,8	218	0,9
8	Бошқа харажатлар	1887	7,8	1764	7,2
	ЖАМИ	24153	100,0	24519	100,0

Сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида 9 моддадан иборат харажат элементлари олиб борилиши маъқул, аммо сотиб олинган хом-ашё ва материаллар жами киймати кўрсатилиши яхши бўлади. Чунки бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатларида бошқарув ҳисобини юритилувчи регистрлар мулкдор ҳаволалига қолдирилган.

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Ф.Қосимова» фермер хўжалигида ер ресурслари йиллар давомида қисқариб борган. Шунини қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида бир бир шартли бош чорва мол учун Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар ер майдони ажратилиши керак. Маълумотларга кўра қонуннинг ушбу моддаси бажарилган. Агар хўжалиқда олинган ялпи ҳосилни таҳлил қилсак, сут ишлаб чиқариш 2006 йилда 2003 йилга нисбатан 7,5 тоннага ёки 8,3% га, мутаносиб равишда гўшт ишлаб чиқариш эса 45,2 тоннага ёки 57,8% га камайганлигини кўришимиз мумкин. Аммо хўжаликнинг олган жами фойдаси 982 минг сўмга, рентабеллик даражаси эса 2,4 % га ошган ва ижобий ҳолат қузатилган. Жадвал маълумотларига асосланадиган бўлсак, ушбу хўжалиқда ер

майдонининг 2006 йилда қисқариши, яъни 30 гектарга 100 бош қорамол бўлиши унинг оптимал размерга эга бўлганлигини кўрсатади.

11-жадвал

Самарқанд тумани «Ф.Қосимова» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий натижалар бўйича 2003, 2004 2005, 2006 йил кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
			2003	2004	2005	2006
1	Ишлаб чиқариш ресурслари:					
	а) беркитилган ер	гектар	71,1	55,2	30,6	30,0
	б) қорамоллар сони	бош	237	184	102	100
	ш.ж. сигирлар	бош	154	120	72	70
	в) беркитилган ходимлар	киши	11,8	9,2	5,1	5,0
2	Бир бош молга меҳнат сарфи	киши/кун	7,8	7,8	7,8	7,8
	а) киши кун меҳнат сарфи	минг сўм	302	328	255	375
	б) ем-хашак	центнер	900,6	699,2	387,6	380,0
3	Ялли ҳосил					
	-сут ишлаб чиқариш	тонна	90	84,7	67,3	82,5
	-гўшт ишлаб чиқариш	тонна	78,2	60,7	33,6	33,0
4	Маҳсулотлар бирлигига					
	а) сут таннархи	минг сўм	12420	14026	12889	18563
	б) сотиш баҳоси	минг сўм	13500	15246	14133	20625
	в) гўшт (тирик вазнда)	минг сўм	105570	91050	53760	57750
	г) сотиш баҳоси	минг сўм	119070	106296	67893	78375
5	Жами фойда	минг сўм	1080	1220	1244	2062
	-рентабеллик	%	8,7	8,7	9,7	11,1
	-сут сотиш	минг сўм	227,3	77,8	46,2	43
6	Қорамолчиликда жами харажат	минг сўм	131490	105076	66649	76313

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот(иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ харажатлар ҳисоби 5 та харажат элементи билан ҳисобга олиб борилиши зарур. Шу борада фермер хўжалиқларида

нақд пул шаклида ҳам хўжалик операциялари содир бўлиб туради, низомда харажатга киритиш тартиби бўлиши лозим.

Хўжалик субъектларининг технологик жараёнлари ҳам ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан фарқ қилади, буни сутни қайта ишлайдиган корхоналар мисолида профессор Б.А.Хасанов кўрсатиб ўтган.¹

Ушбу параграфга хулоса шаклида баён қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув ва молиявий ҳисоби илмий, қонуний базага эга, аммо уларни амалиётга тадбиқ қилиш, ахборот маълумотларидан бошқарувда фойдаланиш бугунги кун талабига жавоб бермайди, фикримизча бунда счетларга тайинланган регистр ва ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш, «1:С-Корхона» компьютер дастурини жорий қилиш зарур бўлади.

Асосий подадан олинган маҳсулотлар кирим қилиниши, уларнинг қайси мақсадлар учун олинаётганлиги ҳисобга олиниб қуйидаги бухгалтерия счётларида акс эттирилади:

Агарда қайта ишлаш учун мўлжалланган бўлса, трансферт баҳоларда «2100-Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби» счёти дебетда, ўсимликчилик тармоғида фойдаланилса, счёт «2010-Асосий ишлаб чиқариш», бузоқларга ичирилса счёт «2011-Чорвачилик» тайёр маҳсулот сифатида кирим қилинса счёт «2810-Омбордаги тайёр маҳсулот» дебетланиб, хужжатлар асосида счёт «2011-Чорвачилик» калькуляциян фарқлар счёт «9110-Сотилган маҳсулотлар таннархи» дебетда «қизил сторно» ёки қўшимча проводка билан счёт «2010-Асосий ишлаб чиқариш» счёт кредитида акс эттирилади.

2.3. Сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари

Тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти, иқтисодиётни эркинлаштиришда умуман бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисми, қиймат ва қўшимча қиймат яратиладиган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш энг муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Тошкент: Иқтисод-молия, 2005, 284-бет.

Бу соҳада кўпгина олимлар илмий-тадқиқот натижаларини адабиётларда эълон қилган ишларида қатта эътибор бериб келмоқдалар, жумладан, Р.А.Абдуллаев, Ё.Абдуллаев, Э.Акрамов, О.Бобожонов, А.К.Ибрагимов, Д.Кутбиев, Х.Мусаев, Я.В.Соколов, Ф.Ф.Ғуломова, Н.С.Санаев, К.Б.Уразов, Б.А.Хасанов, А.А.Хошимов ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Шулардан Ф.Ф.Ғуломова «Самоучитель по бухгалтерскому учету» рисоласида (Т.2004 йил, 25-бет) қуйидагиларга эътибор беришни алоҳида қайд қилади:

- корхонанинг ҳисоб сисъати;
- дастлабки ҳужжатларнинг шакли;
- ҳужжатларнинг айланиш жадвали;
- ишчи счетлар режаси;
- бухгалтерия функционал мажбуриятлари;
- ички ҳисоботнинг шакллари кабиларга эътиборни кучайтиришни таъкидлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби фани олди-га қўйилаётган талаб ва мақсадлар кундан-кунга ошиб бормоқда, айниқса сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликларининг фаолият юритишларида янгидан-янги хўжалик вазиятларида ечимини қутаётган муаммолар бартараф этилишида ички антогонистик бўлмаган зиддиятлар пайдо бўлмоқда.

Кейинги йилларда барча фермер хўжаликларини Президентимиз ва ҳукуватимиз доимий қўллаб-қувватлаб келаётган бир пайтда, сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжалиқларига ҳар томонлама имтиёзлар берилмоқда, жумладан ҳисоботлар сони ва улардаги кўрсаткичларни, айниқса турлича текширувларни қисқартириш кабиларни санаб ўтиш лозим. Аммо бу фермер хўжалиқлари раҳбарларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида бошқариш учун маълумотлар зарурлигидан, ўз фаолиятида тез-тез юз бераётган иқтисодий, молиявий, менежмент, маркетинг, ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан кўплаб муаммолар ечимига ҳам жуда зарур кўплаб маълумотларнинг кераклигидан халос қилмайди.

Бу соҳада олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш асосида қуйидаги ечимларга ҳам эришиш мумкин. Шунингдек, энг зарур маълумотлар харажат моддаларидаги миқдор, абсолют ва нисбий кўрсаткичлар, уларнинг салбий ёки ижобий таъсирини аниқлаш

учун бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботларидан олиниши ҳаммага аёндир.

Булар жумласига технологияда мавжуд ўзгаришлар бошқарув ҳисобидаги кўрсаткичларда ўз аксини топмаслиги, масалан зооветеринария тадбирларига сарфлар ёки чорва молларига балансланган озукаларни вақт ва самарали бўлиши кабиларни келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни такомиллаштиришда бошланғич ҳужжатлар муҳим рол уйнайди, шунингдек, ҳужжатлар айланиш муддатларига риоя қилиниши муҳим ишлардан ҳисобланади.

Умуман олганда қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритишда маҳсулотлар таннархини калкуляция қилишда аниқликлар, иқтисодий самарадорлик борасида бухгалтерия ҳисоби фанининг прогрессив методларидан фойдаланиш учун катта имкониятлар яратилади.

Етарли маълумотларни олишда маълумотларни қисм-қисм қилиб, бошланғич ҳисобга, аналитик счётларга, улар юритиладиган регистрларга персонал компьютерлар ёрдамида бухгалтерия ҳисобидаги «Бухгалтерия колдикли усули»ни жорий қилиш қўл келади, натижа бўйича меҳнат сарфи бухгалтерларга ҳар бир тур моддий бойликлар учун аналитик счётлар юритилишидан холи бўлганлиги сабабли кам бўлади.

Сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликларидида 18-а шакли ички ҳисобот шаклини 1:С бухгалтерия шакли асосида персонал компьютерларда юритилиши лозим, бунинг учун биз ишлаб чиққан лойиҳа маъқул бўлади. (1-илова)

Бундай хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бизнес-режа, харажатлар меъёрини белгилаш ва унга назоратни кўчайтиришни талаб қилади. Бу фермер хўжаликлари кўп ҳолларда оилавий пудрат усулидан фойдаланишни ҳисобга олиб, ички шартнома муносабатларига асосланган лимит харажатлар, уларда чек тизимидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу эса ўз навбатида жавобгарлик марказларидан берилганлиги сабабли купгина ҳужжатлар ўрнини чек эгаллайди.

Фикримизча, ижарачи жамолар, мутахассисларнинг моддий жавобгарлигини ошириш, ички хўжалик назоратини амалга ошириш, мақсадида биз томонимиздан тавсия қилинган икки чек формалари, бутун бўлинмада қилинган ишлар тўғрисида маълумот бе-

рувчи “аккорд”¹ ҳақ тўлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳужжатда технология жараёни билан учёт, иқтисод масалалари, энг муҳим назорат муаммоси уйғунлаштирилгандир.

Биз ишлаб чиққан ва тавсия қилинган чек системасида ва аккорд формаларида ялпи даромаддан ҳам тўлаш, ижара пудратини жорий қилиш мобайнида дастлабки ва бухгалтерия учётини такомиллаштириш ва осонлаштириш назарда тутилган. Шунини алоҳида айтиш лозимки, бу чек системалари собиқ Иттифоқ агросаноат давлат комитети томонидан тавсия қилган чек системасига нисбатан анчагина устуликка эга бўлиб уни республикамиз шароитига мослаштириш борасида профессор Н.С.Санаев илмий-тадқиқот иш натижалари ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини қайд қилиш лозим.

Маълумки, меҳнат ҳақини ялпи даромаддан берилиш тавсия қилинмоқда. Аммо шунини айтиш керакки ялпи даромад йил охирида аниқланади. Бу эса ўз навбатида даромад таъсир қилувчи моддий пул харажатларига боғлиқдир. Унинг тежалаётганини ёки ошиқча сарфланганлигини йил давомида билишмайди. Бу масалада тавсия қилинган чек катта аҳамиятга эгадир.

Энг муҳими шулки, бу чеклар нақладной-талабнома роли билан бухгалтерия ҳисоби учун кодлаштирилди, ҳужжатлар қисқартирилди. Моддий пул сарфлари бўйича аналитик таҳлилни ҳар ойда қилиб бориш имкониятини беради, ҳозиргача бундай ҳолатни акс эттирувчи формалар ҳисоб-китобда жорий қилинмаган эди. Улар қуйидаги формаларга эгадир.

Ижара пудратининг жорий қилиниши ишлаб чиқариш бўлинмаларида бошланғич учётни ўзгартиришни тақозо қилади.

Бошланғич учётнинг бир элементи ҳисобланган ишлаб чиқариш бўлими раҳбарларининг даромад ва харажатлар дафтари (форма-82 АСК) мисол келтирамиз.

Агарда акт-аккордни оладиган бўлсак, у ишлаб чиқариш жараёнида ишларни технология интизомига риоя қилиши имкониятини беради. Баъзи жойларда ижара пудрати ва ички хўжалик бўлинмаларининг алоҳида хўжалик формасига киритиши мутахассисларнинг жавобгарлиги пасайиши ёки менсимаслик ҳолатларига олиб келмоқда, шундай натижалар ҳам борки, бу ишлаб чиқариш бўлинмалари қарздор бўлиб қолса ҳам жавобгар топилмай қолмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича ҳисоб-китоб

¹ “Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий” журнал 1988 йил 7-сон

қилиб ишни анча осонлаштиради, иккинчи томондан технологик жараёнини аналитик равишда тахлил қилиш имкониятини беради. Ҳозирги иқтисодий бозор муносабатларига ўтишда катта аҳамиятга эгадир. Бу масалалар муаллиф узокни кўзлаб, ислоҳот талабларига бугунги кунда ҳам лаббай деб жавоб бераётганлигини, айниқса фермер хўжаликларига сервис инфраструктура ривожланган ҳозирги пайтда иккала юридик мақомга эга бўлган фермер ва хизмат қилувчи корхоналари раҳбари ва корхона муҳрлари билан ҳисоб-китоб ишларини осонлаштиради.

Унинг формаси қуйидагичадир:

269-чекнинг 1-формаси

**Ишлаб чиқариш бўлимларида моддий пул сарфларини
ҳисобга оладиган чек дафтарчаси**

Ишлаб чиқариш бўлими _____
(хўжалик номи, бригада № _____ звено ёки ферма
_____ бошлиқлар исми ва фамилияси)

Чек дафтарчанинг варақлар сони _____дан _____гача
Чек берилган вақти _____ 20 ____ йил.

Самарканд 20 ____ йил.

269-чек: 1-форманинг
орқа томони

Моддий-пул сарфи (йиллик)

Сарфларнинг номи	Миқдори	Йиллик лимит	Лимитнинг ҳисобот давридаги ўзгариши			Ҳисобот бўйича	Ортиқча (+) Тежалди (-)
			Лимит	Бош икт	Умумий лимит		

Хўжалик раҳбари: _____

Бош бухгалтер: _____

Харажатлар _____
 чорак учун

Йиллик лимит колдиги сўм	Чорак учун лимит	Лимит ўзгарувчанлиги			Лимит ўзгариши билан, сўм	Ҳақиқий харажат	Ортиқча (+) Тежалди (-)
		Ой, кун	Сумма	Бош икт			

Хўжалик раҳбари: _____

Бош бухгалтер: _____

Чекнинг қорешоғи
 Ишлаб чиқариш сарфи

Лимит колдиги _____ с _____ т.

Чек берилди _____
 (исми, фамилияси, вазифаси)

(харажатнинг номи, вақти)

Чекни олдим _____

(исми фамилияси)

Сумма _____ с _____ т.

Чекда лимит колдиги _____ с _____ т.

Чекнинг берилган вақти _____ 20__ й.

Ишлаб чиқариш бўлини маси _____

(бригада, звено)

(Эк-х даври)

Лимит колдиги _____ с _____ т.

Чек берилди _____
 (кимга, исми ва фамилияси,

харажат номи, хужжат вақти)

Сумма _____ с _____ т.

Харажат объекти _____

(экин, чорва моли, тури ва группаси)

Лимитдан ошқича сарф _____ с _____ т.

(рухсат берган шахс имзоси)

Чек берилган вақти _____ 20__ й.

Чек берувчи _____

(имзоси)

Орқа томони

Моддий материаллар Номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Микдори	Суммаси	Моддий материаллар номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Микдори	Суммаси

Чек берилган шахс имзоси: _____

**Ишлаб чиқариш бўлимларида меҳнат сарфлари ва унга
ҳақ тўлашни ҳисобга оладиган чек дафтарчаси**

(хўжалик номи, бригада № _____ звено ёки ферма)

бошликларнинг исми ва фамилияси)

Чек дафтарчанинг варақлар сони _____ дан _____ гача

Чек берилган вақти _____ 20__ йил.

Самарқанд 20__ йил.

269-чек:
2-форманинг
орқа томони

Меҳнат ҳақи сарфларининг лимити (йиллик)

Меҳнат сарфларининг номи	Иш кунлари	Йиллик Лимит меҳнат ҳақи	Лимитнинг ҳисобот давридаги ўзгариши			Ҳисобот бўйича	Ортиқча (+) Тежалди (-) Сарф (-)
			Лимит бўйича	Бош икт	Умумий Лимит		

Корхона раҳбари: _____

Бош бухгалтер: _____

**Ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқарилган
маҳсулотлар ва бажарилган ишлар**

Ойлар										Умумий суммаси сум.т.
	Миқдори	Баҳоси	Суммаси	Миқдори	Баҳоси	Суммаси	Миқдори	Баҳоси	Суммаси	

Фикримизча тижорат банкларининг филиаллари, минибанклар очилиши, таъминот-сервис хизматларининг ташкил топиши, улар фермер хўжаликларга яқин масофада жойлашаётганлиги сабабли, чек тизимини намуна сифатида, хўжалик субъектлари ўртасида шартнома муносабатлари талабларига мослаштириб юритиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га фермерлар нақд пул шаклидаги харажатларини ҳам ҳисобга олиш тартиб-қоидаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермерлар ҳисоботларида тармоқлар бўйича харажатлар таркиби асосида ҳисобот бериш мақсадга мувофиқ бўлади, бу масала фермер тадбиркор бўлганлиги учун ва давлат учун эмас, балки у ўзига зарурлигини ҳис қилиши лозим.

3 БОБ. Сут-гўшт маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг ҳозирги аҳволи ва уларни такомиллаштириш йўллари

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда, тадбиркорликка катта имкониятлар яратилмоқда, халқимизнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта имкониятлар яратилмоқда. Бу соҳада республикамит Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда шу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрел 67-сонли «2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, бу олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишнинг янада долзарб эканлигини исботлайди.

Сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида барча ресурслар, молиявий барқарорлик, иқтисодий самарадорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири – бу хўжаликларда «асосий пода»га қилинган харажатлар амалга оширилиб, бир неча хил маҳсулотлар олинishi, фермер хўжаликларига агросаноат интеграцион жараёнининг кириб келиши, янги қорамолчилик маҳсулотларидан бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган, аҳоли истеъмоли учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, бу маҳсулотларнинг таннархини аниқлашни ҳаётий зарурият қилиб қўяди.

Ҳозирги кунда кичик ва хусусий тадбиркорликка йўналтирилган хусусий корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари шароитида, бухгалтерия ҳисобини оддийлаштириш, текширувларни қисқартириш, солиқлар юкини енгиллаштирилиши, хизмат-сервис ишлари бўйича катта имкониятлар яратилиши кўпчилик мутахассис ва бошқарувчиларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблашга, бошқарув жараёнида бу муҳим иқтисодий категорияга нисбатан биров эътиборни пасайтирганлиги кўзга ташланмоқда. Бунинг исботи сифатида ҳозиргача республикамизда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг меъёрий

услуглари ишлаб чиқилмаганлиги, бу соҳада 2000-2004 йиллар давомида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари томонидан Республика Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги илмий марказига, фан-техника кумитасига берилган таклифлар ҳам бу ишнинг hozirgacha пайсалга солинаётганлиги, энг муҳими бу соҳада бугун бозор иқтисодиёти конъюнктураси талабларига жавоб берадиган услублар талаб қилинсада, ҳамон қишлоқ хўжалик корхоналари амалиётда собиқ иттифоқ давридаги методология ва методларни қўллаб, статистика кумитаси ҳамда бошқа бошқарув органларига ҳисобот бермоқдалар, бундан ташқари фермер хўжаликлари ҳисоботларида маҳсулот, тармоқлар турлари бўйича таннарх кўрсаткичлари ҳам киритилган эмас.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларидаги таҳлилларга асослансак, бу фикримизча ачинарли ҳолдир.

Шу асослардан келиб чиқиб, бу услубиёт ва услубларни тармоқ, технология ҳамда ихтисосланиш, тадбиркорлар манфаати жиҳатидан баҳоли қудрат илмий асослашга ҳаракат қилдик. Чунки тез ўзгарувчан бугунги иқтисодиётда, рақобатлар кураши шароитида бу жараёнлар узлуксиз эканлигини кўрсатмоқда. Аммо шунини қайд қилиш лозимки, бу соҳада Тошкент Молия институтида, айниқса Банк Молия академиясида ҳимоя қилинаётган диссертацияларда доимо эътибордан четда қолмай илмий-тадқиқот ишларида яхши натижалар олинмоқда.

Биз олиб борган илмий-тадқиқот ишлари фалсафа фанидаги хусусийликдан умумийликка бориш асосида бошқа методлардан афзал эканлиги ҳаётда исботланаётганлиги сир эмас.

Шунини айтиш жоизки, бу масала мулкчилик шаклларига асосланган ҳамда умумий ёки айрим олинган тармоқлар нуқтаи назаридан олиб борилмоқда. Мисол учун бу масалалар профессор Б.А.Ҳасановнинг ишида дунё тажрибасида сутни қайта ишлайдиги корхоналар мисолида, А.А.Абдуғаниевнинг ишида сабзавотчилик бўйича, А.Қутбиевнинг ишида умумий тартибда баён қилинган, жорий ҳам қилинган, аммо республика бўйича объект ва субъектлар дорасида кенг жорий қилиш қийин кечмоқда. Муаммонинг бундай ҳолатда бўлишига сабаб – тадбиркорликни олиб бораётган барча фаолият кўрсатувчи объектларда эҳтиёж мавжуд, иккинчидан илмий-тадқиқот ишида таклиф бор, жорий қилиш, тарғибот ишларига тўлов бўлмаганлиги сабаб бўлмоқда. Агарда бу муаммо ечими

субъектлар жиҳатидан қараладиган бўлса, жорий қилиш доираси, биринчи субъектларнинг илм, малакаси бугунги кун талабидаги изланишда эмас, иккинчи субъект олимлар учун молиялаштириш манбаларининг етарли эмаслиги, онгли тадбиркорлик учун буюртма тўлов даражасининг камлигидир, десак тўғри талқин қилинган бўламыз.

3.1. Сут-гўшт маҳсулотларининг таннархини – иқтисодий категория сифатидаги иқтисодий моҳияти ва уни ҳисоблашнинг назарий асослари

Умуман, маҳсулотлар таннархи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу ўтган асрнинг 50-йилларида вужудга келган тушунча бўлиб ҳисобланади. Шу даврдан ҳозиргача кўпгина илмий текшириш институтлари, нуфузли олимларининг илмий-тадқиқот ишлари учун мавзу бўлиб келади. Ҳозирги кунда жаҳонга танилаётган Ўзбекистон Республикаси учун долзарблик даражаси янада аҳамиятлироқ бўлиб қолади. Илмий-тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бу борада ҳозирги кунгача бозор муносабатлари шароитида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлаш борасида ягона бир фикрга келинмаган. Хорижий олимлардан П.А.Михайлин: «Маҳсулот таннархи иқтисодий категория сифатида аниқ корхона миқёсида у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади»¹ деб таъкидланади. В.Д.Смирнов «Маҳсулот таннарх кўрсаткичи ишлаб чиқариш фондлари ва ишчи кучидан фойдаланиш билан боглик корхонанинг жорий харажатларининг пул шаклида акс эттирилишидир»² дейди.

И.К.Очилов: «Таннарх Иқтисодий категория бўлиб, қуйидагича аниқланади. Таннарх кийматнинг бир қисмини ташкил қилувчи, унда корхона харажатларини пул кўринишида акс эттириб, ишлаб чиқариш айланма маблағлари, авансланган меҳнат ҳақи фондига миқдор жиҳатидан тўғри келадиган иш ҳақи жамият

¹ Михайлин П.А. Нормирование и контроль производственных затрат при внутрихозяйственном расчете. М. Статистика, 1974, 51-стр.

² Смирнов В.Д. Учет затрат и калькуляция в сельскохозяйственном производстве. М. Статистика, 1972, 19-стр.

миқёсидаги соф даромад бўлган ижтимоий суғурта ва қўшилган маҳсулотнинг элементларидан иборатдир»¹.

Фикримизча, доимий авансланган капиталнинг ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарф қилинган қисми кўрсатилса, яхши бўлар эди.

Ш.Д.Кудбиев: «Маҳсулот таннархи – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, ўз қийматини маҳсулот қийматига тўлиқ ва бевосита, ўз жисмоний шаклини ўзгартирган ҳолда ўтказадиган, меҳнат ва моддий ресурсларни ўз ичига оладиган корхона сарфларининг қисмидир»², деб таърифлайди.

Профессор А.К.Исмоилов, О.Муртазаев: «Демак, маҳсулот таннархи – корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган жорий, яъни хар йиллик пулда ифодаланган харажатларнинг жами йиғиндисидир»³ дейдилар. Бунда юқорида зикр қлинган низом талаблари ҳисобга олинмаганлигини қайд қилиш зарур.

Профессор Б.А.Ҳасанов ва А.А.Ҳошимовлар «Маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқаришга қилинган бевосита харажатларнинг йиғиндисини ифодалайди» дейди.⁴

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, ягона фикрга келинмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида таннархга тадбиркорлик нуқтан назаридан таъриф бериш маъқул бўлади.

Таннарх – бу тадбиркорнинг бозорга сотадиган маҳсулотини ишлаб чиқариш учун икки қисмдан иборат авансланган: ҳисобот даврида истеъмол қилинган доимий капитали (адабиётларда доимий харажатлар), ўзгарувчан капиталнинг (харажатнинг) шу маҳсулот учун қилган барча харажатларининг пулдаги ифодасидир. Илмий-тадқиқот мавзусига мос ҳолда сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликлари миқолида таъриф берадиган бўлсак, у ҳолда «Сут-гўшт йўналишидаги фермер хўжаликларида маҳсулотлар таннархи – бу асосий подага қилинган сарфларнинг мажмуини калькуляция объекти сифатида ҳар бир маҳсулотларга (қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб) коэффицентлар асосида шартли

¹ Очилов И.К. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудитини тадбиқ қилиш. Диссертация, 1999, 12-бет.

² Диссертация 142-бет.

³ Исмоилов А.К., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти, дарелик, Тошкент: 2003, 300-бет.

⁴ Ҳасанов Б.А., Ҳошимов А.А. Бошқарув ҳисоби», дарелик, Тошкент: 2005, 59-бет.

маҳсулотлар салмоғига қараб, натурал олинган маҳсулотларга аниқлаш соғиб олинган центнер сутга ва бир бош бузоқлар сонига тақсимланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир».

Республикамиздаги меъёрий ҳужжатларда ҳам таннарх тўғрисида таъриф берилмайди. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврадаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га айрим таннарх ҳақида аниқлик киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари маҳсулотлар таннархини тармоқ, унинг технологик хусусиятлари, бозор-талаб стандартларига мос равишда, мулк шакллари ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш услубиёти, яъни умумиктисодиёт, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда бозор муносабатлари конъюнктураси талабларига, тақлиф, талаб, харидорнинг тўлов қобилиятлари ҳисобга олинган ҳолда, сифат кўрсаткичлари ҳам эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Бозор муносабатлари шароитида сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг ҳозирги аҳволи

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини иккита муҳим талабларга мувофиқ ҳисоблаш зарурияти келиб чиқади:

- 1) Сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнидаги барча мавжуд ресурслардан қай даражада фойдланилганлиги, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, бозор муносабатлари шароитида бозорда баҳолар шаклланишига қараб, қайси маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши юзасидан муқобил қарорларга келиш, албатта бунда ихтисосланиш, фан-техника технологияси эътиборга олинган ҳолда тадбиркор учун бўлиши кўзда тутилади.

- 2) Ушбу фермер хўжалиги таркибидаги сарфлар учун жавобгарлик маркасларининг масъулияти ҳисобга олиниб, уларнинг фаолиятига баҳо беришдир.

Шу билан биргаликда бу ишни амалга ошириш фермер хўжалиги бухгалтериясида, бухгалтерия услубиёти, услублари асосида қуйидаги тадбирлар амалга оширилишини тақозо қилади:

- 1) Ишлаб чиқариш жараёнидаги хўжалик операцияларида бошлангич ҳисоб талабларини бажарилишини, уларда хўжалик операциялари мазмуни, вақти, миқдор, сифат кўрсаткичлари, жавобгарлик масъулиятларини тўла амалга оширилганлиги кўрилади;
- 2) Фермер хўжалигида шу маҳсулот учун харажатларнинг ўз вақтида тўлиқ бекама куст акс эттирилганлиги, маҳсулот кирим-чиқимининг баланси кўрилади;
- 3) Кирим қилинган маҳсулотларнинг чиқим каналларининг натижалари ўрганилади;
- 4) Ишлаб чиқаришдан олинган қўшимча маҳсулотларнинг қиймати харжатлардан аниқ чиқарилганлиги ҳисобга олинishi лозим, сўнгра асосий ва ёндош маҳсулотлар миқдор, сифат жиҳатидан текширилиб чиқилади, шундан кейин тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблашга киришилади.

